

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

16-сон
(984)
2021 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

202. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни
203. «Давлат харидлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ–684-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

204. «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони
205. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

- киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПФ–6212-сон Фармони
206. «Наманган вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5084-сон қарори
207. «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5087-сон қарори
208. «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5088-сон қарори
209. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ–5090-сон қарори

Бешинчи бўлим

210. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги 18-сон «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-6*)
211. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/8-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-4*)
212. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/9-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-3*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

202 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ушбу ҳужжатларнинг ўзаро юридик кучи ва нисбатини белгилашдан, шунингдек уларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, келишиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчилик

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва ўзаро нисбати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ҳамда уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ва ижросини ташкил этишни таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, эълон қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 апрелда эълон қилинган.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслардир (бундан буён матнда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар деб юритилади).

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган референдум йўли билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

5-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- конституциявийлик;
- қонунийлик;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги;
- ошкоралик;
- илмийлик;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими**6-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳуқуқий принциплар ва нормаларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи, тизимлаштирувчи, шунингдек ижтимоий муносабатлар энг муҳим соҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан комплекс тартибга солинишини таъминловчи кодекслар тарзида қабул қилиниши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

11-модда. Қонуности ҳужжатларини тартибга солиш доиралари

Қонуности ҳужжатларида қонун ҳужжатлари даражасида тартибга

солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмайди.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

14-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Буйруқлар вазирлик ва идора номидан қарор қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган вазирлик ёки идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари ва идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиял органлари томонидан амалга ошириладиган давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

15-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик

Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисга бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи органга ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора қайта номланган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта номланишига оид қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартишлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги номни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши қайта номланган вазирликка, давлат қўмитасига ёки идорага нисбатан тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора мақомининг ўзгариши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатлари доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий

қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар, регламентлар, стратегиялар, концепциялар, доктриналар, дастурлар («йўл хариталари») ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Низом давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

Қоидалар бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

Йўриқнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

Регламент давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Стратегия мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

Концепция у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

Доктрина Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Дастур («Йўл харитаси») у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатларига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколоти бўлса, ушбу

орган қабул қилган ҳужжат бир хил мақомдаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини режалаштириш, ташаббус қилиш ва тайёрлаш

19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, қоида тарикасида, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш талаб қилинадиган муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш якунлари бўйича тайёрланадиган норма ижодкорлиги ишининг режалари (дастурлари) доирасида амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ёки қонунчилик нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий (ярим йиллик ва йиллик) ҳамда истиқболга (бир йилдан ортиқ муддатга) мўлжалланган режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларида (дастурларида) қуйидагилар кўрсатилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг номи;

ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳолатининг тавсифи;

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қиладиган муаммоларнинг тавсифи, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларининг таҳлили;

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қиладиган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш зарурлигининг асоси;

молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар — моддий харажатлар талаб қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари учун;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш муддатлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда, кутилаётган натижалар, шу жумладан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилган ҳолларда унинг натижалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни амалга оширувчи ташкилот (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режалари (дастурлари) мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли органларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилишга фақат, башарти давлат органларида кўтарилаётган масалаларни ёки муаммоларни қонунчиликда назарда тутилган механизмлар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал этиш ваколатлари мавжуд бўлмаса, йўл қўйилади.

Жисмоний ва юридик шахслар тегишли давлат органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида таклифлар киритишга ҳақли.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш қўйидаги босқичлардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва лойиҳани тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни ва ахборотни тўплаш;

тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш;

имтиёзларни белгилашнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармаларидан маблағлар ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг матнини тайёрлаш;

ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизани ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига доир тушунтириш хатини лойиҳанинг концепциясини баён этган ҳолда тайёрлаш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси давлат тилида тайёрланади. Зарур бўлганда, у бошқа тилга таржима қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи томонидан тайёрлаш ҳамда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш муддати, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, икки ойдан кам этиб белгиланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлашнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишнинг ўзига хос хусусиятлари «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун ишлаб чиқувчи томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) ташкил этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчи бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун жавобгар бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ҳамда бошқа маълумотларни олишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир неча давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга, шунингдек энг яхши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга доир ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

23-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи: қонунчиликнинг ҳолатини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганеди;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бўшлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлайди;

ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш нуктаи назаридан қонунчиликни хатловдан ўтказеди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек бошқа давлатлардаги ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибани ўрганеди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганеди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий-иқтисодий харажатларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг ўрнини қоплаш миқдорлари ва манбаларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига олиб чиқилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, ўзга ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва фуқаролар иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар муҳокамаси тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг, тармоқларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассис-

лар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг матни билан олдиндан таништирилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга ҳамда ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси материаллари норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга кўриб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш билан бир вақтда киритилади.

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси

Ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (бундан буён матнда портал деб юритилади) жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга киритишдан олдин жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги жамоатчилик муҳокамаси муддатини тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилади ҳамда бу муддат порталда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва (ёки) таклифларни ҳисобга олишни ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларга мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширилади.

Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар рад этилган тақдирда, ишлаб чиқувчи уларни рад этиш сабабини асослаши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, қоида тарихида, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (кўриб чиқиш учун) киритилади.

4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ва келишиш

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар экспертлар сифатида жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ва экспертиза ўтказиш топшириғини берган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича хулосалари тавсия хусусиятига эга бўлиб, улар ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан кўриб чиқилиши лозим. Хулосанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси

Ҳуқуқий экспертиза жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилганидан ва бошқа турдаги экспертизалар амалга оширилганидан сўнг ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини, шу жумладан уларда коррупция кўринишларини, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шартшароитларни юзага келтирадиган, жисмоний ва юридик шахслар учун ор-

тикча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш, шунингдек зарур бўлган нормаларни битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирган ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солувчи бошқа нормаларни бекор қилган ҳолда, қонунчиликни кодификация қилиш имконияти мавжудлиги нуктаи назаридан ҳуқуқий экспертизасини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини амалга ошириш жараёнида бу лойиҳалар уларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва уларда такрорловчи ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг нормаларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини кейинчалик уларни бекор қилиш учун аниқлаш нуктаи назаридан баҳола-ниши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хулоса тақдим этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси улар келиб тушган санадан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш улар келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган лойиҳалар ва иккинчи қисмида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўшимча ўрганишни талаб қилса, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиш муддати беш кунгача, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларини кўриб чиқиш муддати эса ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан:

ҳалқ депутатлари вилоят, туман, (шаҳар) Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — икки иш куни ичида;

вилоят, туман, (шаҳар) ҳокими қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — беш иш куни ичида ўтказилади.

Қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга ҳавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.

Коррупцияга қарши экспертиза:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси якунларига кўра тегишли хулоса тузилади.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга киритилгунига қадар:

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан мажбурий тартибда келишилади.

Келишиш учун юборилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари-

га манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари (алохида ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан:

қонун ҳужжатлари лойиҳаларига — етти иш куни ичида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларига — уч иш куни ичида;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларига — беш иш куни ичида;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларига — уч иш куни ичида виза қўйилади.

Қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишишнинг бошқа муддатлари ҳамда муайян давлат органлари ва ташкилотлар билан мажбурий равишда келишишга доир талаблар белгиланиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишишнинг махсус ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш муддатлари бузилганлиги учун жавобгарлик

Келишиш учун олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш муддатларининг бузилишига йўл қўйган манфаатдор давлат органининг ва ташкилотнинг раҳбари давлат органларидаги ҳамда ташкилотлардаги ижро интизоми доирасида шахсан жавобгар бўлади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи органларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва келишиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

5-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга киритиш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга киритиш

Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга давлат тилида киритилади. Зарур бўлган ҳолларда, унинг бошқа тиллардаги таржимаси тақдим этилиши мумкин.

Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга Ўзбекистон Республи-

каси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза яқунлари бўйича ҳулосаси ва тушунтириш хати билан киритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тегишли органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳулосаси (ҳисоботи), шунингдек молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва уни асослаш учун бошқа маълумотлар илова қилинади.

Ишлаб чиқувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини киритаётганда уни амалга оширишга, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳамда тарғиб қилишга доир тадбирлар режасини илова қилади.

Ишлаб чиқувчи Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини киритаётганда, бундан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларини ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси мустасно, халқаро ҳужжатларнинг ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитларида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибда кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвални тайёрлаши шарт.

Халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилинини ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилмайди, бундан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларини ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси мустасно.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилганидан сўнг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан қабул қилинади.

Қоидалари қонунда акс этган қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Заҳрур бўлганда у бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.

Давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади.

34-модда. Ҳуқуқий эксперимент

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат самарадорлигини, унинг вақтинча амал қилишини муайян ҳудудда ва (ёки) шахслар доираси бўйича чеклаган ҳолда ўрганиш ҳуқуқий экспериментдир.

Ҳуқуқий эксперимент туганидан кейин:

ҳуқуқий эксперимент тартибида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш амалиёти, ҳуқуқий экспериментнинг ижобий ва салбий оқибатлари, бундай ҳужжатнинг қўлланилишига таъсир ўтказган ижтимоий ҳамда бошқа омиллар, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши муносабати билан қилинган харажатлар ва олинган даромадлар таҳлил қилинади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг амал қилиши вақт бўйича, муайян ҳудудда ва (ёки) шахслар доираси бўйича чекланмаган ҳолда қабул қилинганидан кейин юзага келадиган ижобий ва салбий оқибатларнинг, харажатлар ва даромадларнинг ҳуқуқий эксперимент жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақидаги маълумотлар билан асослантирилган прогнози амалга оширилади.

Ҳуқуқий эксперимент натижаларига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни унинг амал қилишини вақт бўйича, муайян ҳудудда ва (ёки) шахслар доираси бўйича чекланмаган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинади ёки ҳуқуқий эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштиришга ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топишга доир бошқа чоралар кўрилади.

35-модда. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

6-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши, кучга кириши ва амал қилиши

36-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини тасдиқлаш:

Ўзбекистон Республикасининг қонунига нисбатан — Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорига нисбатан — Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларига нисбатан — норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига нисбатан — тегишли ҳоким томонидан имзолаш орқали амалга оширилади.

37-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун қонунда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

38-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга доир талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат хоки-

мияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларида норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида эълон қилиниши шарт. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари эълон қилиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонунчиликнинг электрон маълумотнома тизимлари орқали тарқатишга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда уларнинг барча реквизитлари, улар эълон қилинган расмий нашрлар ва уларнинг кучга кириш санаси кўрсатилган ҳолда эълон қилинганидан сўнг йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларининг аниқ такрорланиши таъминланиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

39-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси» Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси», шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси», шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

40-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомили мураккаб-лаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга киради.

41-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси қонунининг амал қилиши у амалга киритилгунига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар қонунда мазкур қонун қабул қилингунига қадар жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этиш ёхуд кучайтириш назарда тутилса, шунингдек агар қонуннинг қўлланилиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказиладиган бўлса, қонунга орқага қайтиш кучини беришга йўл қўйилмайди.

42-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг макон бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг макон бўйича амал қилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг юрисдикцияси билан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган унинг макон бўйича амал қилиш доирасини чеклаб қўйиши мумкин.

43-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг бир қисми учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг бир қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг бир қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка, ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор

хуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда норматив-хуқуқий ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

44-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

45-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш

Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг бир қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қайси муддат ёки ҳодиса юз бериши учун мўлжалланган бўлса, ўша муддат тугаганида ёки ҳодиса юз берганида;

норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми бекор қилинганда.

46-модда. Илгари қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан қайта кўриб чиқиш

Илгари қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларга янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-хуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги хуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги норматив-хуқуқий ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз хуқуқий аҳамиятини йўқотган бўлса, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар, ўз кучини йўқотган деб то-

пилаётган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар қисмларининг рўйхати норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган, тенг юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар қисмларининг сони анча кўп бўлган тақдирда, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан бир вақтда тақдим этилади.

47-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнидан монеликсиз фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ҳар қандай шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини тарқатиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

7-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш

48-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

49-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашга доир ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга доир ваколатларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликларни, давлат қўмиталарини, идораларни ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

50-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга доир ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тушунтиришлар беради ҳамда зарур ёрдам кўрсатади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши масалаларига доир услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини ўтказиши, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

давлат бошқаруви органларида ва ташкилотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси нуқтаи назаридан ижро интизомига риоя этилишини ўрганади, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

51-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ҳамда таъминлашга доир ваколатлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилишига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

52-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашга доир ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, бошқа ташкилотлар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва зарур бўлганда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

53-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган-

лар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назоратни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлилини амалга оширади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқлар, юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан зиддиятлар, шунингдек ички зиддиятлар ёхуд бошқа хатолар аниқланган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўради.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик мониторинги ва назоратини амалга оширадилар.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

54-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти билан белгиланади.

55-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палаталари беради.

Қонуности ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

56-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни марказлаштирилган тарзда йиғиш, ҳисобга олиш, уларнинг фондларини яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги марказлаштирилган ахборотни ўз ичига олади. Қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишга доир қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

57-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 8-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 161–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 9-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XXVI бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги 714–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **I бўлимининг 46-банди**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–342-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **18-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–389-сонли

Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) **9-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-411-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **12-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-446-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **47-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-456-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **22-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-459-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **11-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-476-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **37-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-512-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 1-модда) **12-моддаси**.

58-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

59-модда. Қонунчилик ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

60-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 апрель,
ЎРҚ-682-сон

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек
уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни
юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг
ЯГОНА УСЛУБИЁТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Ягона услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (бундан буюн матнда лойиҳа деб юритилади), шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Лойиҳани расмийлаштиришнинг асосий принциплари:
юридик шаклнинг аниқлиги ва қатъийлиги;
тилнинг раvon ва тушунарли бўлиши;
муносабатларнинг тегишли соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тўлиқлиги;
ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг аниқлиги;
синовдан ўтган атамалар, тушунчалар ва ифодалардан фойдаланиш;
нормалар таърифининг мумкин қадар аниқлиги ва лўндалиги;
ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этиш шакли, тузилиши ва усулларининг бир хиллиги, ягоналиги;
қонунчилик техникаси қоидаларига риоя этилиши.

2-боб. Лойиҳанинг матнига ва тузилишига доир талаблар

1-§. Умумий қоидалар

3. Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши керак. Лойиҳанинг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамалардан фойдаланилган ҳолда, умумий қабул қилинган грамматика, имло ва пунктуация қоидаларига мувофиқ тузилади.

4. Лойиҳанинг матни қўйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

жумлаларнинг соддалиги ва қисқалиги;

таърифнинг аниқлиги;

баён этишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги.

5. Лойиҳада, шунингдек унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда қўйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

овзаки нутқ шакллари;

давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно).

6. Лойиҳада қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча ва атамалар, шунингдек техникавий ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилганда уларнинг таърифлари берилади. Қонунчилик амалиётига мувофиқ умум қўлланиладиган тушунчаларга таъриф бериш талаб этилмайди.

7. Тушунчанинг ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунчани ёки атамани айнан шу тушунчанинг ўзи ва атамалар орқали, шунингдек ўзи таърифланиши лозим бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

8. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган уч ва ундан ортик тушунчага таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида банд (модда)да кўрсатилади ва лойиҳа матнининг бошида келтирилади.

9. Сўз бирикмалари бир неча марта қўлланилган тақдирда, улар биринчи бор қайси таркибий бирликда (моддада, қисмда, бандда, кичик бандда, хат-бошида) қўлланилган бўлса, ўша таркибий бирликда тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг лойиҳанинг кейинги қоидаларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичида бош келишида кўрсатилади.

10. Лойиҳада, қоида тарикасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган ҳуқуқий нормалар қайта такрорланмайди.

Зарур бўлганда, лойиҳада юқорида юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда акс этирилади.

11. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳоллардагина ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учунгина лойиҳа матнига киритилишига йўл қўйилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг алоҳида қондаларини кўрсатиши керак.

Ҳар бир ҳавола лойиҳа бўйича тайёрланаётган тушунтириш хатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари, унинг ҳавола қилинаётган таркибий бирлиги кўрсатилган ҳолда асослантирилиши керак.

Лойиҳада пастроқ юридик кучга эга бўлган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, давлат органларининг баённомаларига, топшириқларига ва хатларига ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

12. Қонун лойиҳасида (қонунда) қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш зарурати бўлганда кетма-кетлик тартибда қонун ҳужжатининг тури ва номи кўрсатилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарори бўйича уни қабул қилиш санаси ва рақами ҳам кўрсатилади.

13. Модданинг (банднинг) матнини шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа моддаларида (бандларида) такрор баён қилишга, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни назарда тутувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

14. Лойиҳанинг тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш предметининг мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши керак.

15. Ҳажмига кўра қонуности ҳужжатининг лойиҳаси пасайиб борувчи қўйидаги таркибий бирликларга бўлинади: бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар.

Қонун лойиҳаларининг бўлиниши мазкур бобнинг 2-параграфига мувофиқ амалга оширилади.

16. Лойиҳанинг бўлимлари рим рақамлари, кичик бўлимлари ва боблари эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларнинг белгиси ва номи бош ҳарф билан, «ярим қора» шрифтда, матн марказига тўғриланган ҳолда, қўштирноқларсиз, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатр бошисиз, битта қаторда рақами кўрсатилиб, кетидан нуқта қўйилган ҳолда ёзилади.

17. Қўйидаги таркибий бирликнинг киритилишига йўл қўйилмайди: агар лойиҳада боблар бўлмаса, «бўлим» бирлигининг; агар лойиҳада бўлимлар бўлмаса, «кичик бўлим» бирлигининг; агар лойиҳада бандлар бўлмаса, «кичик банд» ва «хатбоши» бирликларининг.

18. Ҳар бир ишлаб чиқиладиган лойиҳа номга эга бўлиши керак. Ном қисқа, тушунарли ифодаланиши ва унинг асосий ҳуқуқий тартибга солиш предметини акс эттириши зарур.

19. Лойиҳа уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган, лойиҳанинг бошланишида жойлаштириладиган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг муқаддимаси унинг мазмунини мантикий ривожлантирувчи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин.

Муқаддима:

мустақил норматив кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги;

моддалар ва бандларга бўлинмаслиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топилиши, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир ҳаволаларга эга бўлмаслиги;

лойиҳада қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг аҳамиятини ўз ичига олмаслиги;

рақамланмаслиги керак.

20. Лойиҳанинг муқаддимасида (идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун мажбурий) лойиҳанинг қабул қилиниши учун асос бўлган ёки ижроси таъминланаётган қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилиши мумкин.

21. Лойиҳада ҳуқуқий нормалар араб рақамларида нукта қўйилган ҳолда рақамланиб, моддалар ва бандлар тарзида баён қилинади, шунингдек сарлавҳаларга эга бўлмайди, бундан моддалар мустасно.

Ҳуқуқий нормаларни иккиланган (кўшалок) тарзда рақамлашга йўл қўйилмайди.

22. Ҳар бир модда ва банд, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормани ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Лойиҳанинг қарор қисмига энг муҳим бўлган ҳуқуқий нормалар киритилади, бундан қонун лойиҳалари мустасно.

23. Бандлар кичик бандлар ёки хатбошиларга бўлиниши мумкин.

24. Кичик бандлар доирасимон қавс билан ёпиладиган кичик ҳарфлар билан белгиланади. Ҳарфлар алифбо бўйича кетма-кетликда баён қилиниши керак.

25. Кичик бандлар фақат хатбошиларга бўлиниши мумкин. Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

26. Лойиҳага талаблар, рўйхатлар, жадваллар, графиклар, тарифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, ҳужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсия хусусиятига эга ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

27. Агар лойиҳанинг қарор қисмидаги бандлари (кичик бандлари, хатбошилари) билан, қонун лойиҳаларида эса моддалар (қисмлар, бандлар, кичик бандлар, хатбошилар) билан ҳужжатларни тасдиқлаш назарда тутилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли таркибий бирлиги ва у томонидан тасдиқланадиган ҳужжатнинг номи бир-бирига мос равишда баён этилиши керак.

28. Бўлимлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлим рим рақамлари билан белгиладиган тартиб рақамига ва номга эга бўлади.

2-§. Қонун лойиҳалари (қонун) тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

29. Қонун лойиҳасининг тузилиши унинг мазмунига боғлиқ бўлади ва қуйидаги кетма-кетликда белгиланади:

қўлланилиш ёки амал қилиш соҳаси;

умумий қоидалар: ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари, қонунда фойдаланиладиган тушунчалар ва махсус атамаларнинг таърифи, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаси нормаларини амалга оширишнинг механизмлари;

қабул қилинаётган қонун нормаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норма;

айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан қонунларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутадиган нормалар;

қабул қилинаётган қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш зиммасига юклатиладиган субъект;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинаётган қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги топшириқ;

қонуннинг кучга кириш тартиби.

30. Қонун лойиҳасида (қонунда) пастлаб боровчи қуйидаги таркибий бирликлардан фойдаланилади:

қисм;

бўлим;

кичик бўлим;

боб;

параграф;

модда.

31. Қонун лойиҳаси (қонун) моддасида пастлаб боровчи қуйидаги таркибий бирликлардан фойдаланилади:

қисм;

банд;

кичик банд;

хатбоши.

Йирик тизимлаштирилган қонун лойиҳалари қисмларга, бўлимлар кичик бўлимларга, боблар параграфларга бўлиниши мумкин.

32. Қонун лойиҳаси (қонун) қисмининг белгиси ва номи саҳифанинг ўртасига бош ҳарфлар билан тагма-таг ёзилади. Қонун лойиҳаси (қонун) қисмининг номи «ярим қора» шрифтда ёзилади.

33. Бўлимлар рим рақамлари, кичик бўлимлар ва боблар эса араб рақамлари билан рақамланади ҳамда сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Кичик бўлимлар, боблар ва параграфларнинг белгиси ва номи бош ҳарф билан, бўлимларнинг белгиси ва номи эса бош ҳарфлар билан «ярим қора» шрифтда, қўштирноқларсиз, қаторлараро бирлик интервалда, битта қаторда рақами кўрсатилиб, кетидан нукта қўйилган ҳолда ёзилади.

34. Қонун лойиҳасининг (қонуннинг) моддаси:

унинг асосий таркибий бирлиги ҳисобланади;

араб рақамлари билан белгиланадиган тартиб рақамига эга бўлади;

номга эга бўлади, бундан айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари мустасно.

Модда белгиси бош ҳарф билан ва хатбошидан ёзилади.

Модданинг номи унинг рақам белгиси билан бир қаторга бош ҳарф билан «ярим қора» шрифтда ёзилиб, ундан кейин нукта қўйилади. Агар модда номга эга бўлмаса, у ҳолда модданинг рақамидан кейин нукта қўйилади ҳамда модданинг белгиси бош ҳарф билан ва ярим қора шрифт билан хатбошидан ёзилади.

Модда рақамланмайдиган қисмларга бўлинади. Модда қисмларининг жойлашув тартиби бош ҳарф билан бошланадиган ва нукта билан тугайдиган хатбошиларни кетма-кет санаш орқали аниқланади.

Моддаларнинг қисмлари бандларга бўлиниб, бандлар доирасимон қавс билан ёпиладиган араб рақамлари ёки кичик ҳарфлар билан белгиланади. Моддаларнинг қисмлари хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Бандлар қавс ичида араб рақамлари билан кичик бандларга ёки хатбошиларга бўлиниши мумкин.

35. Қонун лойиҳасининг (қонуннинг) қисмлари, бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфлари ва моддалари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Ҳар бир бобнинг (параграфнинг) моддаларини алоҳида-алоҳида рақамлашга ёки ҳар бир бўлимнинг (кичик бўлимнинг) бобларини алоҳида-алоҳида рақамлашга йўл қўйилмайди.

36. Қонун лойиҳасига (қонунга) қисмлар, бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар ёки бутун қонун лойиҳасига (қонунга) доир изоҳлар киритилиши мумкин эмас.

37. Агар қонун лойиҳасига (қонунга) бир нечта илова мавжуд бўлса, улар «№» белгиси кўрсатилган ҳолда араб рақамлари билан рақамланади. Қонун лойиҳасининг (қонуннинг) матнида иловага ҳавола қилинганида «№» белгиси кўрсатилади.

Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда қонун лойиҳаси (қонун) матнидан кейинги саҳифанинг юқорисидаги ўнг бурчакка, қонуннинг рақами ва имзоланган санаси кўрсатилмаган ҳолда жойлаштирилади.

Илованинг номи саҳифанинг ўртасига жойлаштирилади.

3-§. Қонун лойиҳаси (қонун) нормаларини баён этишга доир умумий талаблар

38. Қонун қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

нормаларнинг бир хил талқин қилинишини таъминловчи, уларни аниқлаштириш учун қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб этмайдиган ҳолда батафсил ифода этилиши;

қонун матнида уни амалга оширишнинг аниқ механизми мавжудлиги;

қонун лойиҳасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тўлиқ рўйхати мавжудлиги;

декларатив ва мавҳум нормаларнинг йўқлиги.

39. Қонун нормалари бошқа қонунлар нормалари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Бунда қонун нормаларининг таърифи бошқа қонунларда қўлланиладиган таърифлар билан бир хил баён этилиши керак.

40. Қонун лойиҳасининг (қонуннинг) матнини ишлаб чиқиш жараёнида унда қонунчилик тизимлаштирилади, қонуности ҳужжатларида мавжуд бўлган барча ҳуқуқий нормалар бирлаштирилади, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирувчи янги нормалар ишлаб чиқилади, айрим ҳуқуқий кўрсатмалар ўртасидаги номувофиқликлар, асоссиз такрорланишлар ва қарама-қаршилиқлар бартараф этилади.

Бунда қонун қабул қилинган, нормалари қонунда ўз аксини топган барча эски қонуности ҳужжатлари ўз тартибга солиш заруратини йўқотди ва кучини йўқотган деб топилиши лозим.

41. Бир ҳужжатда муайян ҳуқуқ тармоғининг ва ижтимоий муносабатлар соҳасининг барча масалалари имкон қадар тўлиқ тартибга солиниши керак. Қонуннинг айрим нормаларини ўзгартириш зарурати бўлганда, янги алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни шакллантирмаган ҳолда уларни мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар сифатида расмийлаштириш керак.

42. Қонун лойиҳаси билан бир вақтда қўйидагилар ишлаб чиқилади:

қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган қонуности ҳужжатлар рўйхати;

қонун лойиҳасига кирган қонуности ҳужжатлари нормаларини ўз ичига олган қиёсий жадвал ва бундай бирлаштиришнинг асоси;

қонун қабул қилинганлиги муносабати билан амалдаги қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарор лойиҳалари.

3-боб. Лойиҳаларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва расмий эълон қилиш манбаларини кўрсатиш тартиби

1-§. Умумий қоидалар

43. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз varaғининг бир томонида унинг масштаби кичрайтирилмаган ҳолда жойлаштирилиши керак.

44. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ саҳифада баён этилган бўлса, унинг ҳар бир саҳифаси ва иловалари алоҳида рақамланиши керак. Саҳифанинг тартиб рақами саҳифанинг юқорисида ўртада 2 рақамдан бошлаб ёзилади. Биринчи саҳифада 1 рақами қўйилмайди.

45. Лойиҳалар, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади:

саҳифанинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 2 см, паст ва юқори ҳошиялари 2 см;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари учун 12 ўлчамли шрифт, бошқа лойиҳалар учун 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қаторнинг сатр бошиси 1,27 см (қонун лойиҳалари учун 1,25); қаторлар ўртасидаги интервал (множитель) 1.

46. Лойиҳанинг (бундан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси мустасно) биринчи саҳифа юқори қисмининг ўнг бурчагида «Лойиҳа» сўзи қўйилади, унинг ўлчами матн шрифти ўлчами билан айнан бир хил бўлиши лозим.

47. Лойиҳа турининг матни бош ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «ярим қора» шрифтда, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатр бошисиз расмийлаштирилади. Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларининг тури икки қаторда ифодаланади.

48. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қўштирноқларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва сатр бошисиз ёзилади.

49. Матннинг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Ҳар бир қатор охирида боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқа шу кабилар, қоида тариқасида, қолдирилмайди.

50. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида, илованинг рақами (агар иловалар бир нечта бўлса), илова қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури кўрсатилган ҳамда ҳужжат рақами ва санаси учун жой қолдирилган ҳолда жойлаштирилади.

51. Илованинг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қўштирноқларсиз, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатрбошисиз ёзилади.

2-§. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини (қонунларни) юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

52. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (қонун) бир нечта халқ-

аро шартномани ратификация қилишни ўз ичига олса, бундай қонун лойиҳаси (қонун) моддалари номга эга бўлмаган қонун лойиҳаларига (қонунларга) нисбатан қўлланиладиган умумий қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасидаги (қонундаги) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг номи ушбу халқаро шартнома имзоланган асл нусхадаги ном билан айнан бир хил бўлиши керак.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

53. Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг буйруқлари ва қарорлари матнлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган тегишли бланкаларда ёзилиши ва уларни қабул қилган органнинг (органларнинг) номини ўз ичига олган бўлиши керак.

54. Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низом, қоида ёки йўриқнома тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

4-§. Расмий эълон қилиш манбаларини кўрсатиш тартиби

55. Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганида қуйидагилар кўрсатилади:

қонун эълон қилинган расмий манба ёки янги таҳрирдаги (агар у бўлса) қонун эълон қилинган расмий манба;

қонун ҳужжатиغا киритилган барча кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар эълон қилинган расмий манбалар.

56. Қонун ўз кучини йўқотган деб топилганда қонун эълон қилинган расмий манба ёки янги таҳрирдаги (агар у бўлса) қонун эълон қилинган расмий манба кўрсатилади. Шунингдек, ўз кучини йўқотган деб топилаётган асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар қайси қонунлар билан киритилган бўлса, ўша қонунлар ҳам уларнинг расмий эълон қилинган манбаи кўрсатилиб, алоҳида тарзда ўз кучини йўқотган деб топилади.

4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари

1-§. Умумий қоидалар

57. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа, қоида тариқасида, қуйидаги ҳолларда тайёрланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларининг ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қонунчиликни янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга доир талабларини бажариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларини бажариш учун;

агар ишлаб чиқиладиган лойиҳа бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш заруриятини келтириб чиқарса;

лоyiҳани тайёрлаш жараёнида худди шундай муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжудлиги маълум бўлиб қолганда ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилмасдан мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконияти аниқланганда;

айни бир масала бўйича бир талай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлишини ва ҳуқуқий нормаларда аниқланган зиддиятларни бартараф этиш учун.

58. Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартишлар киритиш деб эътироф этилади:

рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, моддалар (моддаларнинг қисмлари), параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, қисмлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, моддалар (моддаларнинг қисмлари), параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, қисмлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, қисмлар, иловаларнинг номларини янги таҳрирда баён қилиш.

Графа — икки вертикал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими ёки банди.

Блок — турли шаклларда (тўртбурчак, тўғри бурчак, цилиндр, овал ва ҳ.к.) функционал жиҳатдан бирлаштирилган жадвалларнинг бир қисми;

Позиция — икки горизонтал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида графада ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими, кичик бўлими, боби, банди, кичик банди.

59. Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимчалар киритиш деб эътироф этилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий бирлигини янги сўзлар, рақамлар ёки жумлалар билан тўлдириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий birlikлар (қисм, бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, графа, блок, позиция, модда (модданинг қисми), банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдириш.

60. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи матн қўйидагиларга бўлинади:

арабча рақамлар билан нуқта қўйиб рақамланадиган бандлар;
кичик ҳарфларда қавс билан рақамланадиган кичик бандлар;
хатбошилар.

61. Агар модда ёки банд билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга фақат битта ўзгартиш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, кичик бандлар қўлланилмайди.

62. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфлари, моддалари, бандлари рақамлар билан рақамланиши ҳамда кичик бандларининг рақамлар билан рақамланиши ёки ҳарфлар билан рақамланиши ўзгармайди.

63. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги таркибий бирликлар билан тўлдириладиган бўлса, уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш зарур.

64. Асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган рақамларни қўшишга фақат кейинги ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритишда йўл қўйилади. Таркибий бирликларнинг барча рақамланиши ўзгаришининг олдини олиш учун бундай белгилардан фақат кейинги қўшимчаларда фойдаланилади.

65. Агар тегишли қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий бирлиги (қисм, бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, модда (модданинг қисми), банд, кичик банд ва хатбоши) охирига киритиладиган бўлса, мавжуд рақамланиш давом этади.

66. Модда, банд ёки кичик банд янги хатбоши билан тўлдирилганда мазкур модданинг, банднинг ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

67. Агар лойиҳа бир вақтнинг ўзида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ёки уларнинг таркибий бирликларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутадиган бўлса, мазкур ҳужжатлар (уларнинг юридик кучи ва қабул қилинган санаси бўйича) хронологик тартибда жойлаштирилади. Айнан битта санада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг рақамларига мувофиқ ортиб бориш тартибида жойлаштирилади.

68. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган лойиҳада ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) тарзида тайёрланади.

69. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда мазкур ҳужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами ва номи кўрсатилади.

70. Агар тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг иловасига киритиладиган бўлса, лойиҳада тегишли норматив-ҳуқуқий

ҳужжатнинг номи келтирилмайди, балки у билан тасдиқланган илованинг номи кўрсатилади.

71. Ўзгартирилаётган, қўшилаётган ва чиқариб ташланаётган сўзлар ҳамда рақамлар қўштирноқ ичига олинади.

72. Агар илованинг, қисмнинг, бўлимнинг, кичик бўлимнинг, бобнинг, параграфнинг, модданинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг ва жумланинг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги тахрирда баён этиш зарур.

73. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қисми, банди ёки кичик банди кириш хатбошисининг давоми бўлган хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади.

74. Қонуности ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳанинг иловаси фақат бандлардан иборат бўлади. Бу ҳолда бандлардан иборат ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати келтирилади.

75. Бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг кичик бандига қадар бўлган, шу жумладан кичик бандни ҳам қўшган ҳолда, таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, ушбу ҳужжат умуман ёки унинг кичик бандига қадар бўлган, шу жумладан кичик бандни ҳам қўшган ҳолда, таркибий бирлиги ўз кучини йўқотган деб топилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг хатбоши тарзидаги таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, мазкур хатбоши чиқариб ташланади.

76. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли таркибий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, кейинги таркибий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади, бундан қонун лойиҳалари мустасно.

77. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фақат битта амалдаги таркибий бирлик мавжуд бўлиб, қолганлари эса ўз кучини йўқотган бўлса, ушбу таркибий бирликни ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган тақдирда, бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилиши шарт.

78. Ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига амал қилиш муддати тугаган вақтинчалик тусдаги ҳужжатлар ёки нормалар киритилмайди.

79. Амал қилиш муддати тугаган норматив-ҳуқуқий ҳужжат алоҳида нормасининг ёки бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати узайтирилмайди. Бу ҳолда янги норма киритилишини назарда тутувчи лойиҳа тайёрланади.

80. Агар ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган моддада (модданинг қисмида, бандида, кичик бандида ва хатбошисида), бандда, кичик бандда ёки хатбошида тегишли равишда ўз кучини йўқотиши керак бўлган иловага кўрсатма мавжуд бўлса, мазкур таркибий бирлик ва унда назарда тутилган илова ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Агар илова тўлиқ ўз кучини йўқотган деб топилиши мумкин бўлмаса, унинг фақат тегишли таркибий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилиши (чиқариб ташланиши) лозим.

81. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, ўз кучини тўлиқ ёки қисман йўқотган деб топиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қоидаларига кўра ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса, ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли қоидалари ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши тикланмайди. Мазкур қоида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топишга (чиқариб ташлашга) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**2-§. Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисидаги қонун лойиҳалари (қонунлар), шунингдек
ўз кучини йўқотган деб топиладиган қонунлар рўйхатини
ўз ичига олган қонун лойиҳалари (қонунлар)
тузилишининг ўзига хос хусусиятлари**

82. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (қонун) номланишга эга бўлмаган моддалардан иборат бўлади. Моддалар бандларга ёки хатбошиларга бўлинади. Моддалардаги бандлар хатбошиларга бўлинади.

Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва қонунларни ёки уларнинг таркибий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормалар қонунларда араб рақамлари билан рақамланиб, кичик қавслар билан ёпиладиган бандлардан иборат алоҳида моддалар тарзида баён этилиши мумкин.

**5-боб. Лойиҳага илова қилинадиган ахборот-таҳлилий
материалларга қўйиладиган асосий талаблар**

83. Лойиҳага илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материаллар, қоида тариқасида, ахборот-таҳлилий материалнинг ҳажмига қараб Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади:

саҳифанинг чап хошияси 1 — 3 см, ўнг хошияси 1-2 см, пастки ва юқори хошияси 1-2 см;

ахборот-таҳлилий материалнинг ҳажмига қараб 11 — 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 0,50 — 1,27 см;

қаторлар ўртасидаги интервал (множитель) 1 — 1.2.

84. Лойиҳанинг тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш учун асос ва уни қабул қилиш зарурлигини асослантириш, шу жумладан лойиҳа тайёрлаш топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек юқори турувчи органнинг топшириқлари (топшириқ мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

лойиҳани ишлаб чиқувчининг тўлиқ номи;

мақсадлар ва вазифалар, шунингдек лойиҳа билан белгиланадиган асосий қоидалар, уларнинг қисқача асоси. Бунда лойиҳанинг эришишга йўналтирилган асосий мақсадлари белгиланади, лойиҳанинг аниқ мақсадларга эришишга восита бўлиши мумкин бўлган алоҳида қоидалари қисқача кўрсатилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижалар. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш натижасида юз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар келтирилади. Кутилаётган натижалар, миқдорий кўрсаткичлар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши ҳам мумкин;

лойиҳа предметига тааллуқли бўлган халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг принциплари, қоидалари ва ифода шакллари тўғрисидаги ахборот (қонуности ҳужжатлари учун — зарур бўлган тақдирда). Тегишли соҳада ижобий хорижий тажриба мавжуд бўлган тақдирда, тушунтириш хатида лойиҳани тайёрлашда ҳисобга олинган норма назарда тутилган давлат, ҳужжатнинг тури, номи ва қисқача мазмуни кўрсатилиши мумкин;

лойиҳа мазмунининг тавсифи, унда лойиҳанинг тузилиши бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар ва моддаларнинг мазмуни билан бирга қисқача баён этилади (қонуности ҳужжатлари учун — зарур бўлган тақдирда). Зарур бўлганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг энг муҳим қисмини ташкил этувчи қоидаларнинг асосий моҳияти очиб берилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ахборот;

лойиҳада фойдаланиладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволанинг ҳар бирини асослаш. Бунда унга ҳавола қилинадиган лойиҳа нормасининг мазмуни қисқача очиб берилади;

агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қоидаларини амалга ошириш қўшимча молиявий харажатларни талаб этса ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўқотишларга олиб келса, қисқача молиявий-иқтисодий асос. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қоидаларини амалга ошириш кўрсатиб ўтилган харажатларни талаб этмаса ёки йўқотишларга олиб келмаса, у ҳолда бу ҳақда тушунтириш хатида тегишли ахборот келтирилади;

лойиҳа бўйича ўтказилган жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамаси ҳамда унинг натижалари тўғрисидаги ахборот, шу жумладан нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида ўтказилган муҳокама натижалари юзасидан ахборот;

лойиҳани манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиб олиш тўғрисидаги ахборот. Бунда лойиҳа келишилган (виза қўйилган) манфаатдор вазирликлар ва идоралар санаб ўтилади;

лойиҳа бўйича келишмовчиликлар мазмунининг қисқача баёни ва улар тўғрисидаги асослантирилган фикр (келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда);

лойиҳани асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

85. Таққослаш жадвали қуйидаги учта графадан иборат бўлади:

ўзгартиш ёки қўшимча киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли таркибий бирлигининг амалдаги таҳрири;

лойиҳада таклиф этилаётган таҳрир;

киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асоси.

Таққослаш жадвалида тегишли таркибий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрири графалари қуйидаги тарзда баён этилади:

амалдаги таҳрир графаларида ўзгартирилаётган сўзлар (рақамлар) курсив билан тагига чизиб кўрсатилади, таклиф этилаётган таҳрир графаларида эса «ярим қора» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида қўшилаётган сўзлар (рақамлар) «ярим қора» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ва хатбошилар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилаётган бошқа таркибий бирликлар «ярим қора курсив» шрифт билан ажратиб кўрсатилади.

Агар лойиҳада тегишли таркибий бирликнинг янги таҳрири баён этилса, фақат ўзгартирилаётган, қўшилаётган, чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ажратиб кўрсатилади.

Амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирларнинг графаларида таркибий бирликнинг ўзгартиш киритилаётган таркибий бирлик билан боғлиқ бўлган ва киритилаётган тузатишларнинг кўринарли бўлишини таъминлайдиган тегишли қисмлари оддий шрифтда келтирилади.

Қисм ёки хатбоши белгисидан ҳам фойдаланилади, «тўлдирилмоқда», «чиқариб ташланмоқда», «кўчирилмоқда» деган сўзлар қўлланилади.

86. Келишмовчиликлар жадвали (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган лойиҳа бўйича тайёрланган келишмовчиликлар жадвалидан ташқари) қуйидаги учта графадан иборат бўлади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли таркибий бирлигининг таклиф этилаётган таҳрири;

манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали орқали келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар;

кўриб чиқиш натижалари.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Таклиф этилаётган таҳрир» графасида

фикр-мулоҳазалар ва таклифлар такдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли таркибий бирлиги акс этирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари» графасида лойиҳа бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини такдим этган орган ҳамда ташкилотнинг таклиф ва мулоҳазалари ёки улар асосида баён этилган таҳрир келтирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Кўриб чиқиш натижалари» графасида такдим этилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқувчи томонидан кўрсатилади. Агар фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инobatга олинса, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар берилган таркибий бирликнинг янги таҳрири келтирилади. Агар фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инobatга олинмаса, қайси асословчи маълумотлар сабабли мазкур фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инobatга олинмаган бўлса, ўша маълумотлар тегишли тартибда кўрсатилади.

87. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳа бўйича тайёрланган келишмовчиликлар жадвали қуйидаги тўрт графадан иборат бўлади:

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли таркибий бирлигининг амалдаги таҳрири;

лоийҳада таклиф этилаётган таҳрир;

манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари;

кўриб чиқиш натижалари.

Биринчи иккита графа қиёсий жадвал бўйича баён этилади.

«Манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари» ҳамда «Кўриб чиқиш натижалари» графаларида лойиҳани киритаётган орган томонидан ушбу Ягона услубиёт 86-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади.

88. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва келишиб олиш хронологияси ҳақидаги маълумотномада қуйидагилар кўрсатилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни киритиш учун асос;

лоийҳани ишлаб чиқувчининг номи;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат келишиб олинган сана, вазирлик ва идоранинг номи, унинг раҳбарининг Ф.И.О. ва лавозими, келишиб олиш натижалари тўғрисидаги ахборотни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларга киритилган санани ўз ичига олган жадвал.

89. Концепцияда қуйидагилар белгиланиши керак:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий тавсифи ва унинг ҳолатига берилган баҳо мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган ҳолда;

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш заруриятининг асоси;
қонун лойиҳаларининг асосий қоидалари;
бўлажак қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари прогнози.

90. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предметини аниқлашда концепцияда қонун лойиҳасининг мазмуни, у эришишга йўналтирилган асосий вазифалар ва мақсадлар, лойиҳа тартибга солиши керак бўлган ижтимоий муносабатлар очиб берилади, шунингдек унинг амал қилиши татбиқ этиладиган қўлланилиш соҳаси, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ваколатлари (ҳуқуқлари ва мажбуриятлари) баён этилади.

91. Тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий тавсифида ва унинг ҳолатига берилган баҳода ушбу соҳада амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳолати акс эттирилади, хусусан:

тегишли соҳада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

қонунчиликдаги бўшлиқлар ва зиддиятлар, эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, самарасиз ёхуд амалга ошириш механизмига эга бўлмаган қоидаларнинг мавжудлиги;

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мавжуд камчиликларини бар-тараф этишнинг оқилона ва самаралироқ усуллари;

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тажрибаси;

статистика, жамиятшунослик, сиёсатшуносликка оид тадқиқотларни, шунингдек бошқа илмий тадқиқотларни ўтказиш натижалари;

бўлажак қонунни амалга ошириш учун қабул қилиниши зарур бўлган қонуности ҳужжатлари рўйхати кўрсатилади.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурияти асосида қонунни қабул қилиш зарурлигидан далолат берувчи далиллар баён қилинади.

92. Баён қилинадиган далиллар аниқ, асосланган бўлиши ва муаммонинг амалдаги қонунчилик мукамал эмаслиги билан сабаб-оқибат алоқасини белгилаши керак. Қонун лойиҳаси тегишли бўлган қонунчилик тармоғи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг ҳужжат орқали амалга оширишга қаратилган қоидалари, шунингдек унинг ҳуқуқий тизим учун аҳамияти ҳам кўрсатилади.

93. Қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларида бўлажак қонунда белгиланадиган қоидалар, имконият бўлганда бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар ва моддаларнинг қисқа мазмуни баён этилган намунавий тузилмаси баён қилинади.

94. Бўлажак қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари прогнози тахмин қилинаётган оқибатлар ва уни амалга оширишдан кутилаётган пировард натижалари тавсифини ўз ичига олади. Бунда бўлажак қонун амалга оширилишининг нафақат ижобий, балки эҳтимолдаги

салбий оқибатлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Бўлажак қонуннинг ҳуқуқий оқибатларини прогноз қилишда, зарур бўлганда, унинг ижро этилишини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари ҳам ҳисобга олинади.

95. Ишлаб чиқувчи концепцияда бошқа зарур ахборотни ҳам кўрсатиши мумкин.

Тайёрланган концепция, агар қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан тасдиқланади, шундан кейин қонун лойиҳасининг бевоқиф матни тайёрланади.

Зарур бўлганда, концепция юқори турувчи органлар билан олдиндан келишиб олиниши мумкин.

96. Тайёрланган қонун лойиҳасига қўйидагилар ҳам илова қилинади:

халқаро ҳужжатларнинг ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли қоидалари, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллашнинг мақбуллиги тўғрисидаги асослантирилган таклифлар кетма-кетлик тартибида кўрсатилган ҳолдаги таҳлилий-қиёсий жадвал;

қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартиш ёки қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати. Бунда қонуности ҳужжатини қабул қилиш, унга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш учун асослар ва уларнинг қабул қилиниши, уларга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритилиши учун масъул бўлган органлар қисқача кўрсатилади.

Қонун лойиҳасига бошқа таҳлилий ва ахборот материаллари ҳам илова қилиниши мумкин.

6-боб. Ишлаб чиқувчининг юридик хизмати томонидан лойиҳанинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш

97. Лойиҳада ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари томонидан виза қўйилишидан олдин унинг юридик хизмати лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормаларни қўллашнинг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизаси жараёнида юридик хизмат уларда коррупция учун, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратувчи, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортикча маъмурий ҳамда ўзга чекловларни жорий этувчи, тадбиркорлик субъектларининг асоссиз харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилни ҳам амалга оширади.

98. Лойиҳа қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлган, шунингдек ҳавола қилувчи нормаларнинг қўлланилиши асосли ва

мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, юридик хизмат унинг юзасидан ҳуқуқий хулоса тайёрлайди, хулоса юридик хизмат раҳбари (юридик хизмат раҳбари лавозими мавжуд бўлмаган тақдирда юрисконсулт) томонидан имзоланади.

99. Юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосасида қуйидагилар акс эттирилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан топширилган бўлса, ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбаи, топшириқ баён этилган тегишли моддаси ёки банди (кичик банди, хатбошиси) тўғрисидаги, шунингдек юқори органнинг топшириқлари (органнинг номи, топшириқнинг рақами ва санаси, зарур бўлган тақдирда, топшириқ берган мансабдор шахс) тўғрисидаги маълумотлар (топшириқ мавжуд бўлганда);

лойиҳа асосий қоидаларининг ҳуқуқий табиати тушунтирилган ҳолда, бу қоидалар моҳияти ва аҳамиятининг қисқача баёни;

лойиҳанинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек лойиҳадаги ҳар бир ҳавола қилувчи норма қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса;

лойиҳанинг коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

100. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлмаганда, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар асоссиз ва мақсадга номувофиқ бўлганда, юридик хизмат ишлаб чиқувчининг лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмасига уни тегишли фикр-мулоҳазалар билан маромига етказиш учун қайтаради.

7-боб. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиб олиш

101. Лойиҳа юзасидан юридик хизмат томонидан хулоса тақдим қилингандан кейин ишлаб чиқувчи унга биринчи раҳбар даражасида виза қўяди ҳамда уни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиб олиш ягона электрон тизими орқали узил-кесил келишиб олиш (виза қўйиш) учун манфаатдор органлар ва ташкилотларга (бундан буён матнда манфаатдор органлар деб юритилади) юборди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

102. Қуйидагилар билан мажбурий тартибда келишиб олинади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан — барча лойиҳалар, шу жумладан давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар ажратиш, шунингдек давлат харидларини амалга ошириш масалаларига доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан — инвестициялар, савдо ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш масалаларига доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан — давлат фуқаровий хизматини тартибга солиш, шу жумладан давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ташкилий-штат тузилмасини ўзгартириш масалаларига доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан — давлат-хусусий шериклик масалаларига доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг кенгаши билан — фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор масалаларга доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи масалаларга доир лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан — товар ва молия бозорларидаги рақобат масалаларига доир лойиҳалар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий давлат дастурларига оид лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан — ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик соҳасидаги муносабатларни бошқаришга оид лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан — адвокатлик фаолияти ва суд ишларини юритиш билан боғлиқ масалаларга доир лойиҳалар.

Лойиҳалар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан ҳам мажбурий тартибда келишиб олинади.

Ҳукуматнинг фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳулосаси олинади.

103. Агар манфаатдор органнинг раҳбарига лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бўлса, у ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиб олиш ягона электрон тизимида асослаган ҳолда кўрсатади ҳамда лойиҳани фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билан имзолайди.

104. Хатда асосланмаган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқувчи томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Бунда асосланмаган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қабул қилинмаганлигининг оқибатлари учун жавобгарлик манфаатдор органнинг ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини асослаб бермаган биринчи раҳбари зиммасига юклатилади.

105. Қабул қилиниши лойиҳанинг мазмуни ва тузилишини жиддий равишда ўзгартирадиган, лойиҳага доир бўлган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар мавжуд бўлган тақдирда манфаатдор орган ўзининг лойиҳа вариантини Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни келишиб олиш ягона электрон тизими орқали ишлаб чиқувчига таклиф этиши мумкин.

106. Ишлаб чиқувчи манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини кўриб чиқади, зарур ҳолларда, лойиҳага тегишли тузатишлар киритади.

107. Манфаатдор органларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари бўйича келишмовчиликлар жадвали тузилиб, у биринчи раҳбар (алоҳида ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

Кўриб чиқиш натижалари жадвалда «қабул қилинди», «қабул қилинмади» тарзида акс эттирилади. Қабул қилинмаган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан уларнинг қабул қилинмаганлиги асоси кўрсатилади.

108. Келишмовчиликлар жадвали лойиҳа билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга белгиланган тартибда киритилади.

8-боб. Лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги ҳуқуқий экспертизаси

109. Барча манфаатдор органлар билан келишиб олинганидан кейин ишлаб чиқувчи лойиҳани норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритишдан олдин уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун қуйидагиларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади:

таклифларни кўриб чиқиш натижаларига доир жадвал;

ишлаб чиқувчининг юридик хизмати раҳбари (юридик хизмат раҳбари лавозими мавжуд бўлмаган тақдирда — юрисконсулт) томонидан имзоланган ҳуқуқий хулоса, унда уни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, алоқа боғланадиган телефонлари кўрсатилиши керак;

агар лойиҳага кўра бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётган бўлса, таққослаш жадвали;

лоийҳани ишлаб чиқиш режа-жадвали — қонун лойиҳалари учун;

ҳалқаро ҳужжатларнинг ва хорижий мамлакатлар қонунчилигининг, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли қоидалари, тегишли

халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитларида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар изчил кетма-кетликда кўрсатилган ҳолдаги таҳлилий қиёсий жадвал (қонуности ҳужжатлари учун — зарур бўлган тақдирда);

келишмовчиликлар жадвали, агар лойиҳа манфаатдор органлар томонидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билан келишилган (виза қўйилган) бўлса ҳамда мазкур органларнинг ушбу фикр-мулоҳазалари ва таклифлари баён этилган хатларнинг кўчирма нусхалари;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисида ахборот ва хулоса (қонунчиликда белгиланган ҳолларда);

лойиҳани ишлаб чиқиш ва келишиб олиш хронологияси тўғрисидаги маълумотномалар.

110. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқувчига қўйидаги ҳолларда ҳуқуқий экспертиза ўтказилмасдан қайтарилади:

лойиҳа барча манфаатдор органлар билан уларнинг биринчи раҳбарлари (алоҳида ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) даражасида келишиб олинмаганда;

Ушбу Ягона услубиётнинг 109-бандида кўрсатилган ҳужжатлар лойиҳага илова қилинмаганда.

111. Лойиҳанинг ҳуқуқий экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (алоҳида ҳолларда — вазирнинг биринчи ўринбосари) лойиҳага виза қўяди.

Фикр-мулоҳазалар ва таклифлар мавжуд бўлган тақдирда лойиҳага фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билан виза қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

203 Давлат харидлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида ва бошқа давлат дастурларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини юритиш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, халқаро ташкилотларнинг, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган чет эл кредитларини ва чет эл грантларини, техник кўмакни ва бошқа ташқи бегараз кўмакни тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи бегараз кўмак маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасига бериладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига. Бунда донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар томонидан, белгиланган тартиб-таомилларда ёки Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган чет эл кредитларини ва чет эл грантларини, техник кўмакни ва бошқа ташқи

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 апрелда эълон қилинган.

беғараз кўмакни тақдим этиш шартларида белгиланган тартиб-таомиллардан қатъи назар, давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади;

агар молиявий, гуманитар ёки хайрия ёрдамани тақдим этиш ҳамда бошқа беғараз, қайтарилмайдиган тарзда молиялаштириш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, молиявий, гуманитар ёки хайрия ёрдами ҳисобидан ҳамда бошқа беғараз, қайтарилмайдиган тарзда молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади. Бунда молиявий, гуманитар ёки хайрия кўмакни ҳамда бошқа беғараз қайтарилмайдиган молиялаштиришни тақдим этиш шартларида белгиланган тартиб-таомиллардан қатъи назар, давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун давлат харидлари, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун давлат харидларини амалга ошириш тартиби қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

3-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бенефициар мулкдор — пировардида мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион — давлат харидлари электрон тизимининг махсус платформасида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этиш чоғида нарх ғолибни аниқлашнинг ягона мезони бўлади;

давлат буюртмачиси — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни;

давлат харидлари тўғрисидаги шартнома — давлат буюртмачи-

си ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасидаги давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув;

давлат харидларининг субъектлари — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот ва эксперт, эксперт ташкилоти;

дастлабки малака танлови — харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник, иқтисодий, ташкилий ва бошқа ўзига хос хусусиятларга мувофиқ бўлган харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишга қўйиладиган малакали харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини танлаб олишнинг харид комиссияси томонидан ўтказиладиган тартиб-таомили;

захирадаги ғолиб — харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси;

тендер — давлат харидини амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили воситасида давлат харидларининг ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилини назарда тутувчи танлов бўлиб, унинг натижаларига кўра давлат харидлари тўғрисидаги шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган харид қилиш тартиб-таомилларининг иштирокчиси ғолиб деб топилади;

харид қилиш тартиб-таомили — давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси — қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

Шартномаларнинг ягона реестри — давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган, давлат буюртмачилари томонидан тузилган давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларнинг реестри;

электрон давлат харидлари — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли;

электрон дўкон — давлат харидларининг электрон тизимидаги махсус майдонда савдоларни электрон шаклда амалга оширишни назарда тутувчи, махсус талаблар қўйилмайдиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

энг яхши таклифларни танлаш — харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

эълон — давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва

шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

ғолиб — харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

5-модда. Давлат харидларининг асосий принциплари

Давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

касбий маҳорат ва масъулиятлилик;

асосланганлик;

молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги

ва самарадорлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

рақобат ва холислик;

мутаносиблик;

давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;

коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши керак.

6-модда. Касбий маҳорат ва масъулиятлилик принципи

Давлат буюртмачиси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот масъул шахсларининг касбий маҳорати тегишли бўлинмалар ходимларига нисбатан соҳа бўйича маълумоти бўлиши, малакасини мунтазам равишда ошириши, босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиб бориши ва касбий фаолияти тўғрисидаги талабларни белгилаш йўли билан таъминланади.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахсни белгилаши шарт.

Касбий маҳоратга эга бўлиш мақсадида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахснинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан ўқитишни ташкил этиш орқали таъминланади.

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомилини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахс бажариладиган вазифалардан четлаштирилиши лозим.

7-модда. Асосланганлик принципи

Давлат харидлари давлат буюртмачисининг ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятлари (тавсифи), сифат кўрсаткичларининг ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

8-модда. Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги принципи

Давлат харидлари:

давлат буюртмачисининг давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматини ҳисобга олиш;

давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш;

давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширилиши керак.

9-модда. Очқиклик ва шаффофлик принципи

Давлат харидларининг очқиклиги ва шаффофлиги:

тегишли давлат органларига, давлат харидларининг субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда уни махсус ахборот порталига жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомилларига доир ҳужжатларни ва ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлашни таъминлаш орқали амалга оширилади.

10-модда. Рақобат ва холислик принципи

Давлат харидларидаги рақобат харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ўртасидаги, давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари ўртасидаги ва ихтисослашган ташкилотлар ўртасидаги тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда холис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига якуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

Давлат харидларининг холислиги харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишдаги, шунингдек энг мақбул вариант фойдасига якуний қарор қабул қилишдаги беғаразликни назарда тутлади.

Давлат харидларининг холислиги:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига тенг имкониятларни таъминлашга;

давлат харидлари субъектлари ўртасида рақобатни ва уларга нисбатан беғаразликни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга;

давлат харидлари жараёнида шикоятлар, низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишнинг ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўришнинг очик, ошкора ва тортишув механизмларига асосланади.

11-модда. Мутаносиблик принципи

Давлат харидларида мутаносиблик:

давлат харидларини амалга ошириш усулининг товарларнинг (ишлар-

нинг, хизматларнинг) хавф-хатарига, қийматига, хусусиятига ва мураккаблигига;

талабларнинг харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари малакасига оид маълумотларга, таклифларни баҳолаш мезонлари ва усулларининг товарларга (ишларга, хизматларга);

давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги уларнинг ўз вазифаларига мослиги билан таъминланади.

12-модда. Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги принципи

Давлат харидлари мақсадлар, принциплар ва ёндашувларнинг ягоналигига, давлат харидлари жараёни барча босқичларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигига ҳамда давлат харидлари барча субъектларининг ҳамкорлигига асосланади.

Давлат харидларининг ягоналиги ва яхлитлиги:

давлат харидларини тартибга солувчи ягона ва яхлит норматив-ҳуқуқий база ҳамда уни бир хилда қўллаш;

давлат харидларининг давлат харидлари тўғрисидаги барча ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилишни ҳамда барча манфаатдор шахсларга ундан фойдаланишни таъминлайдиган ягона, яхлит ва комплекс ахборот тизими мавжудлиги;

давлат харидларига оид ҳужжатларни бирхиллаштириш;

халқаро стандартларга уйғун тарзда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) стандартлаштирилган ягона миллий классификаторини жорий этиш;

давлат харидларини режалаштириш ва амалга оширишни, давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни тузиш ва ижро этишни, мониторингни ва назоратни амалга оширишни, низолар ҳамда келишмовчиликлар устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқишни, давлат харидлари субъектларининг касбий маҳорати даражаси ва масъулияти оширилишининг ташкил этилишини таъминловчи ягона инфратузилманинг мавжудлиги билан таъминланади.

13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади.

Давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаши керак.

Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик:

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

ушбу Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Қонунчиликда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

14-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Манфаатлар тўқнашуви бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир, шунингдек аффилиланганликнинг мавжуд бўлиши.

Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар:

харид қилиш тартиб-таомилларни амалга оширишда бошқа харид қилиш тартиб-таомиллари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳамда ушбу ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни чеклайдиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви кўринишларининг олдини олиши шарт;

ҳар қандай эҳтимол тутилган, тахмин қилинаётган ёки мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошкор қилинишини кафолатлаши керак.

Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар бу ҳақда бевосита раҳбарини ҳамда давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни баргараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши ва давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни олгач, ушбу Қонунга мувофиқ давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларига тегишли ахборотни киритиши шарт.

15-модда. Махфийлик

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай

бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

2-боб. Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

16-модда. Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари

Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари:

давлатнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш;

давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини ва бошқа давлат дастурларини бажариш;

давлатнинг ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича функцияларини бажариш;

давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантиришдан, шунингдек давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига қарши курашишдан иборат.

Давлат харидларини амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий сиёсат устуворликлари, шу жумладан юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларнинг яратилиши, қулай экологик вазиятнинг сақланиши ҳисобга олинади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклифларни баҳолашда фойдаланиладиган имтиёзлар ва преференциялар берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди чет давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин. Бундай давлат харидини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат харидлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат харидлари соҳасида давлат сиёсати шаклланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

давлат харидлари соҳасида бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланиш, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини такомиллаштириш ва уларнинг қўлланилишини кенгайтириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш юзасидан чоралар кўради;

давлат буюртмачиларининг давлат харидлари соҳасидаги фаолияти ус-тидан назорат бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш ва таққослаш усулларини ҳамда мезонларини, шунингдек улар ўтказилишини ташкил этиш тартибини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тендерда иштирок этиш учун электрон шаклда таклифлар бериш тартибини белгилайди;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркибини тасдиқлайди.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат харидлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органдир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Ваколатли орган:

давлат харидлари соҳасида давлат томонидан тартибга солишни ва давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини, шу жумладан, электрон тизимни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришнинг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

давлат харидлари электрон тизими операторларини ҳамда уларнинг давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишга тааллуқли фаолияти тартибини, шунингдек махсус ахборот портали фаолияти тартибини белгилайди;

давлат харидларининг электрон тизимига нисбатан талабларни белгилайди;

иқтисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш

тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган мезонларини) ишлаб чиқади;

давлат харидлари бўйича ахборотни жойлаштириш, ошкор қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини ҳамда ҳажмларини, шунингдек товарга (ишга, хизматга) ҳамда давлат харидларини амалга ошириш усулига қараб эълон қилишга доир қўшимча талабларни белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлайди;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди;

давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайди;

давлат харидлари субъектларидан ахборотларни сўраб олади, жамлайди, уларни таҳлил қилади ва ҳисоботларни шакллантиради;

давлат харидлари соҳасида харид қилиш ва коррупцияга қарши курашиш стандартлари бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.

3-боб. Давлат харидларининг субъектлари

19-модда. Давлат буюртмачилари

Ушбу Қонун мақсадлари учун давлат буюртмачилари деганда қуйидагилар тушунилади:

1) бюджет буюртмачилари:

давлат органлари ва муассасалари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирилган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

2) корпоратив буюртмачилар:

давлат корхоналари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар.

Корпоратив буюртмачилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан юритилади ва ахборот алмашинуви орқали махсус ахборот порталида шакллантирилади.

Давлат буюртмачиси:

муस्ताқил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нарҳини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закатат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга муружаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг ёлиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

Корпоратив буюртмачилар ўзи амалга оширган давлат харидлари тўғрисида ваколатли органга ҳар чоракда ахборот тақдим этади.

Давлат буюртмачисининг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачисининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган мажбуриятлари ва вазифалари давлат буюртмачисининг раҳбарияти, харид комиссиялари ва харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган давлат буюртмачисининг таркибий бўлинмалари ёки алоҳида ходимлари томонидан амалга оширилиши керак.

20-модда. Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиял органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси давлат буюртмачиси ҳузурида фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва хоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори тувричи ташкилоти мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ваколатли орган вакилини бошқа давлат буюртмачисининг харид комиссияси таркибига киритишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъулдир.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;
таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказиши, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга оширмаган деб топади.

Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-тао-

милларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

21-модда. Ихтисослашган ташкилот

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисининг топшириғига кўра товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича шартномага асосан пулли асосда хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсдир.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш мақсадида ихтисослашган ташкилотни жалб қилишга ҳақли.

Шартноманинг муҳим шартларини белгилаш ва шартномани имзолаш фақат давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган ташкилотни жалб қилиш ушбу Қонунда белгиланган талаблар ва мезонлар асосида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган ташкилотлар давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун қўйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

юридик шахс мақомига эга бўлиши;

ихтисослашган ташкилотнинг муассислари орасида давлат харидининг бошқа субъектлари бўлмаслиги;

давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган бир нафардан кам бўлмаган ходимга эга бўлиши;

махсус ахборот порталига уланиш имконини таъминловчи дастурий-техник воситаларга эга бўлиши.

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисидан харид тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур ахборотни олиш ҳуқуқига эга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ихтисослашган ташкилот:

давлат буюртмачисининг талабига биноан харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этишнинг исталган босқичида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;

давлат харидларининг асосий принципларига риоя этган ҳолда хизматлар кўрсатиши;

давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг сўровига кўра ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг инсофсиз иштирокчиларнинг давлат харидларида иштирок этишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши; хар бир давлат хариди учун харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш учун масъул бўлган шахсни белгилаши;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиши шарт.

Ихтисослашган ташкилот қуйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказиши;

реклама ишларини ташкил этади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилнинг турини таклиф қилади;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимига ва махсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;

голиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилади;

харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш якунлари бўйича ҳисоботлар тузади;

харид қилиш тартиб-таомида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини таъминлайди.

Ихтисослашган ташкилот ёки унинг аффилиланган шахси ўзи ташкилотчи бўлган харид қилиш тартиб-таомида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин эмас.

Давлат буюртмачиси ихтисослашган ташкилотни ушбу моддада белгиланган талабларга мувофиқ жалб этиш учун жавобгардир.

Давлат харидларининг амалга оширилиши чоғида ихтисослашган ташкилот томонидан ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолларда жавобгарлик давлат буюртмачиси ва ихтисослашган ташкилот зиммасига юклатилади.

22-модда. Эксперт, эксперт ташкилоти

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва амалга ошириш

жараёнида маслаҳат ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш, баҳолаш ҳамда такқослаш бўйича хулоса олиш учун экспертлар ёки эксперт ташкилотлари тегишли шартнома асосида жалб этилиши, шу жумладан текин асосда жалб этилиши мумкин.

Эксперт маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва (ёки) хулоса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахсдир.

Эксперт ташкилоти ходимлари маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва (ёки) хулоса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада махсус билимларга эга бўлган юридик шахсдир.

Эксперт, эксперт ташкилоти хизматларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этган ҳолда кўрсатиши шарт.

23-модда. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

харид комиссияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

24-модда. Давлат харидларининг ижрочиси

Давлат харидларининг ижрочиси (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича голиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчидир.

Ижрочи:

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани бажариш жараёнида тушунтиришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;
етказиб берилган товар (иш, хизмат) учун ҳақ олиш;
шартнома шартларига мувофиқ ва (ёки) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ижрочи:

қонунчилик талабларига риоя этиши;
шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;
асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;
шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.

25-модда. Давлат харидлари электрон тизимининг оператори

Давлат харидлари электрон тизимининг оператори давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан белгиладиган махсус ваколатли юридик шахсдир.

Давлат харидлари электрон тизимининг оператори:

давлат харидлари электрон тизимининг узлуксиз ишлашини, унга жойлаштирилган ахборотнинг бут сақланишини ва бир бутунлигини, ўз электрон ресурсининг тегишли давлат бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари ва ахборот тизимлари ҳамда махсус ахборот портали билан белгиланган тартибда уйғун ишлашини таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ ахборотнинг электрон шаклда сақланишини, шу жумладан электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг сақланишини таъминлаш, шунингдек харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг электрон тизимини тўғри ишлаши учун жавобгар бўлади;

ўз электрон ресурсини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларига жойлаштиради;

ваколатли орган, давлат харидлари жараёнида иштирок этаётган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

Давлат харидлари электрон тизимининг оператори:

иштирокчи, ижрочи сифатида, шунингдек ўзининг электрон тизимида давлат буюртмачиси сифатида давлат харидларида иштирок этишга, уларнинг аффилиланган шахси бўлишга;

давлат харидларини амалга ошириш ва нарх белгилаш жараёнига ара-

лашишга, контрагентларни танлашда ва шартномалар тузишда давлат харидлари субъектларининг эркинлигини чеклашга, шунингдек давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

узатиладиган, олинадиган ва сақланадиган электрон ҳужжатлар ҳамда электрон хабарларнинг ишончлилигини, шунингдек агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини назорат қилишга ёки текширишга;

давлат харидлари субъектлари томонидан жойлаштириладиган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг мазмунини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Давлат харидлари электрон тизимининг оператори давлат харидлари субъектларининг ушбу операторга бериладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг, шу жумладан бўлажак давлат харидлари тўғрисида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштириладиган ахборотнинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4-боб. Давлат харидлари жараёнига доир умумий талаблар

26-модда. Давлат харидлари жараёни

Давлат харидлари жараёни қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

давлат харидларини режалаштириш;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;

шартномани тузиш ва бажариш;

давлат харидлари мониторинги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига ва бошқа давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида «fast-track» усулида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) амалга оширишга йўл қўйилади.

27-модда. Махсус ахборот портали

Махсус ахборот портали ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг яқунлари, иштирокчиларнинг таклифлари ҳақидаги ахборотни ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб-сайт-дир (махсус электрон платформа).

Махсус ахборот порталида:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг жамоатчилик учун очиқлиги;

давлат харидлари соҳасидаги ахборотни жамлаш, унга ишлов бериш ва таҳлилий ҳисоботни шакллантириш;

давлат харидларининг электрон тизимлари ва бошқа ахборот тизимлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари томонидан давлат харидлари субъектларининг ўз вазифаларини ушбу Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари доирасида амалга ошираётганлиги устидан мониторинг ва назорат ўтказиш таъминланади.

Махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторинги ва назоратини ўтказиш жараёнлари тизимлаштирилади.

Бюджет буюртмачиларининг давлат харидлари бўйича тўловлари махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш ва улар тўғрисида ахборот жойлаштириш жараёнлари тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Давлат харидларининг электрон тизими

Давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи давлат харидларининг электрон тизимидир.

Давлат харидларининг электрон тизими ваколатли орган томонидан белгиланган талабларга, шу жумладан:

техник параметрларга оид талабларга;

техник ва технологик имкониятларга оид талабларга;

ахборотни ва тегишли маълумотларни сақловчи асбоб-ускуналарнинг жойлашиш ерига оид талабларга;

ахборот хавфсизлиги усуллари ва шартларига;

махсус ахборот портали ва бошқа ташқи ахборот тизимлари билан ҳамкорлик имкониятларига;

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга оид талабларга;

давлат харидлари субъектларининг, ваколатли органнинг ва харид қилиш тартиб-таомиллари устидан давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органларининг тизимдан фойдаланиш имкониятларига;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа талабларга мос бўлиши керак.

29-модда. Давлат харидларини режалаштириш

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидаги режалаштириш, шунингдек хўжалик фаолиятини режалаштириш ўртасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.

Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан жорий йилнинг 25 мартига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари корпоратив буюртмачилар томонидан жорий йилнинг 25 декабрига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадваллари давлат буюртмачилари томонидан жорий чорак охириг ойининг 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

30-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

электрон дўкон;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

энг яхши таклифларни танлаш;

тендер;

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

Харид қилиш тартиб-таомиллари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

31-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик;

давлат харидларининг режа-жадваллари;

давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар;

хужжатларнинг намунавий шакллари;

харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар;

давлат харидлари босқичларининг натижалари тўғрисидаги ахборот;

Шартномаларнинг ягона реестри;

Ягона етказиб берувчилар реестри;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;

давлат харидлари бўйича статистик ахборот.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, холис ва ишончли бўлиши керак.

32-модда. Баҳолаш мезонларига ва тартиб-таомилларига тааллуқли қоидалар

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;

тўлов ва кафолатлар шартлари;

муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар;

қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.

Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари, уларнинг нисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ҳолибни аниқлашда давлат буюртмачиси фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.

Давлат харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга қўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин.

33-модда. Давлат харидлари қийматини баҳолашга тааллуқли қоидалар

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланади.

34-модда. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидлари тавсифига ва шартнома шартларига тааллуқли қоидалар

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифи ҳолис, функционал ва умумий хусусиятга эга. Тавсифда товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидининг тегишли техник, сифат, зарур ҳолларда эксплуатация қилиниш хусусиятлари кўрсатилади.

Давлат харидларининг тавсифи товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) техник хоссаларидан келиб чиққан ҳолда, таснифларни, режаларни, чизмаларни, эскизларни, талабларни ҳамда синовлар ва синов усуллари, қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати, шунингдек шартли белгилар ва атамалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифига аниқ товар белгисига ёки номига, патентга, конструкцияга ёки моделга, у мансуб бўлган муайян манбага ёки ишлаб чиқарувчига, эксклюзив ваколатли ҳуқуққа доир талаблар ёки ҳаволалар киритилмаслиги керак, бундан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди хусусиятларини таърифлашнинг бошқа етарлича аниқ усули мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно ва бунда давлат харидининг тавсифига «ёки аналог» деган сўзлар киритилиши керак, бундан товарларнинг бир-бирига мос келмаслиги ҳоллари мустасно.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифида қуйидагилар бўлиши керак:

товарларнинг сони;

бажарилиши (кўрсатилиши) керак бўлган ишлар (хизматлар);

товарлар етказиб берилиши лозим бўлган ёки ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши керак бўлган жой;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг мақбул ёки талаб этиладиган муддатлари, агар улар мавжуд бўлса.

Харид қилиш ҳужжатларида харид қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар бўлиши керак. Бунда шундай кўрсаткичларнинг энг кўп ва (ёки) энг кам қийматлари, шунингдек ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилади.

Зарур бўлганда давлат буюртмачиси томонидан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) кафолат муддатига ва (ёки) уларнинг сифатига бериладиган кафолатлар ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товардан фойдаланиш харажатларига, товарни монтаж қилиш ва созлашнинг мажбурийлигига, товардан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи шахсларни ўқитишга доир талаблар белгиланади.

Машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси харид қилиш ҳужжатларида товарнинг кафолат муддатига ва (ёки) унинг сифатига бериладиган кафолатлар ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товарга кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш харажатларига, шунингдек товарни монтаж қилиш ва созлашга доир, агар бу товарнинг техник ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, талабларни белгилайди. Янги машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси харид қилиш ҳужжатларида ушбу товарни ишлаб чиқарувчининг ва (ёки) етказиб берувчининг кафолатини тақдим этишга ҳамда бундай кафолатнинг амал

қилиш муддатига нисбатан қўшимча равишда талаблар белгилайди. Бундай кафолатни бериш ушбу товар билан бирга амалга оширилади.

Агар товарларнинг давлат хариди тавсифида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, етказиб берилаётган товар янги бўлиши керак.

Харид қилиш ҳужжатларига товарни ишлаб чиқарувчига, иштирокчига нисбатан давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлган, ошириб юборилган талабларни, шу жумладан иштирокчининг малакасига нисбатан ошириб юборилган талабни (шу жумладан товарнинг, ишнинг ёки хизматнинг сифатига, техник хусусиятларига доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятларига (истеъмол қилиш хусусиятларига) доир талаблар шаклида) киритишга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув унинг муҳим шартларини, хусусан товар (иш, хизмат), унинг сифати ва ассортиментини ўзгартириш, миқдорини ва баҳосини ошириш ҳамда етказиб бериш муддатини узайтириш тарзида ўзгартирмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча ишлар ва хизматларни амалга ошириш юзасидан ўзгартириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

35-модда. Давлат харидларининг тили

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.

36-модда. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:
шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

37-модда. Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат хариди

Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.

Иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар давлат харидларининг асосий принципларга зид бўлмаслиги керак.

Давлат хариди тўғрисидаги ахборотда иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар ушбу ахборот эълон қилинган пайтда кўрсатилган бўлиши керак.

Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтади.

38-модда. Биргаликдаги давлат харидлари

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат харидларини шакллантириш икки ва ундан ортиқ давлат буюртмачисининг давлат харидлари режа-жадвалларига кўра амалга оширилади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат харидларини шакллантириш бир давлат дастурида ёки лойиҳалар портфелида иштирок этаётган давлат буюртмачиларида амалга оширилиши керак.

39-модда. Таклифларни таъминлаш

Харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисидаги талабни белгилашга ҳақли.

Иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзидаги талаб барча иштирокчиларга тааллуқли бўлади ва давлат харидларининг шартларида кўрсатилади.

Харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи давлат буюртмачисига таъминотнинг мақбулликни тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга икки иш куни давомида жавоб беради.

Давлат буюртмачиси таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки қўйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;
шартноманинг қучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;
давлат харидларининг бекор қилиниши;
таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши.

40-модда. Музокаралар олиб боришни тақиқлаш

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда давлат буюртмачисининг давлат харидлари электрон тизимининг оператори билан ва давлат харидлари электрон тизими операторининг иштирокчи билан, шунингдек давлат буюртмачисининг волиб аниқлангунига қадар иштирокчилар билан музокаралар олиб боришига йўл қўйилмайди.

41-модда. Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан тушунтиришлар

Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтиришлар олиш учун давлат буюртмачисига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга мурожаат қилиши мумкин.

Давлат буюртмачиси ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилот харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш кун ичида тақдим этади.

Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомили хусусида тушунтиришлар харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисидаги сўрови билан бир хил шаклда тақдим этилади.

42-модда. Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари

Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

43-модда. Голиб бўлган таклифнинг акцепти ҳамда акцепт учун асослар

Давлат буюртмачиси ўтказилган харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича голиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилади.

Голиб бўлган таклифнинг акцепти қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса;

голиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомиллари бузилмаган бўлса.

44-модда. Давлат харидини бекор қилиш

Давлат буюртмачиси голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати бўлган ҳоллар мустасно.

45-модда. Одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат буюртмачилари, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилотлар, эксперт ташкилотлари давлат харидларини амалга ошириш учун қўйидагиларни назарда тутувчи Одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилади:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чора-тадбирлари;

тегишли ходимларнинг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар.

Одоб-ахлоқ қоидаларида давлат буюртмачилари, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилотлар, эксперт ташкилотлари ходимларининг, харид комиссияси аъзоларининг касбга доир ва хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидалари, касбий тайёргарлигига доир талаблар белгиланади.

Давлат буюртмачисининг ва давлат харидлари электрон тизими операторининг масъул шахслари, ихтисослашган ва эксперт ташкилотларининг ходимлари, харид комиссияси аъзолари, шунингдек экспертлар томонидан иштирокчилар ҳамда ижрочилардан моддий ва номоддий бойликларни олиш тақиқланади.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат буюртмачиларининг ёки уларнинг юқори турувчи органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

46-модда. Давлат харидлари жараёнидаги чекловлар

Давлат харидлари жараёнида қўйидагиларга йўл қўйилмайди:

агар иштирокчининг ва (ёки) ушбу иштирокчи ваколатли вакилининг

яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек давлат буюртмачисининг ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотнинг вакили бўлса, иштирокчининг давлат харидларида иштирок этишига;

иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақдим этишга, бундан ушбу Қонун 16-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

манфаатлар тўқнашувига;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли бўлмаган усуллари қонунга ҳилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллариغا;

давлат харидлари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган қонунга ҳилоф талабларни киритишга;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этишга ёки тарқатишга, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усуллари четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга;

иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда бажаришни рад этишига;

давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишга;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;

молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга оширишга.

47-модда. Шартномаларнинг ягона реестри

Ваколатли орган давлат харидлари электрон тизимларининг ва махсус ахборот порталининг ахборотлар базалари ўртасида ахборот алмашиш орқали Шартномаларнинг ягона реестрини юритади.

Шартномаларнинг ягона реестрига қўйдаги ҳужжатлар ва ахборот киритилади:

давлат буюртмачисининг номи;

молиялаштириш манбаси;

ижрочини аниқлаш усули;

харид қилиш тартиб-таомилининг натижалари сарҳисоб қилинадиган сана ва шартнома тузиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари;

шартнома тузилган сана;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номи, шартнома баҳоси ва уни бажариш муддати, товар (иш, хизмат) бирлигининг нархи, у келиб чиққан мамлакатнинг ва ишлаб чиқарувчининг номи;

ижрочи солиқ тўловчининг номи, фирма номи (агар мавжуд бўлса), жойлашган ери (юридик шахс учун — почта манзили), фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), яшаш жойи (жисмоний шахс учун), ижрочининг солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки чет эллик шахс учун тегишли чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ижрочининг солиқ тўловчининг идентификация рақами аналоги, бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборот, бундан тарихий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ва давлат музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган маданий қимматликларни, шу жумладан музей ашёларини ва музей коллекцияларини, шунингдек ноёб ва қимматбаҳо нашрларни, қўлёзмаларни, архив ҳужжатларини (шу жумладан уларнинг кўчирма нусхаларини) етказиб берувчи бўлган жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот мустасно;

шартноманинг ўзгартирилган шартлари кўрсатилган ҳолда шартномани ўзгартириш тўғрисидаги ахборот;

шартномани ижро этиш тўғрисидаги ахборот, шу жумладан шартнома учун ҳақ тўлаш, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажармаганлик муносабати билан молиявий санкциялар (жарималар, пенялар) ҳисобланиши тўғрисидаги ахборот;

бекор қилиш сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ахборот.

Шартномаларнинг ягона реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очикдир.

Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот Шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

48-модда. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри ваколатли орган томонидан шакллантириладиган рўйхатдан иборат бўлиб, унга қуйидаги маълумотлар киритилади:

харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича белгиланган шартлар асосида давлат буюртмачиси билан шартнома тузишни ва давлат харидларини амалга оширишни рад этган ёки бошқача усулда бўйин товланган харид қилиш тартиб-таомиллари ғолиблари тўғрисидаги;

мажбуриятларни бажармаганликда ёхуд тегишли тарзда бажармаганликда белгиланган тартибда айбдор деб топилган ижрочилар ҳақидаги, бундан мажбуриятлар бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибатида бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳоллар мустасно;

давлат харидлари жараёнида ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этган, айна битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бермаган иштирокчилар тўғрисидаги;

суднинг қарорига қўра фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ижрочилар тўғрисидаги.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочининг икки йил давомида давлат харидларида иштирок этиши мумкин эмас, бу муддат тугаганидан кейин ижрочи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестридан чиқарилган ҳисобланади.

Ижрочилар Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

5-боб. Электрон дўкон

49-модда. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш мезонлари

Электрон дўконда:

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваригача) қийматдаги товарларнинг;

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача) қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат харидлари амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали бюджет буюртмачиси томонидан айна бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали бюджет буюртмачиси томонидан айна бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача (корпоратив буюртмачилар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваригача) амалга оширилиши мумкин.

50-модда. Электрон дўконда таклифларнинг жойлаштирилиши

Электрон дўкон иштирокчиларнинг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконда қўйилган таклифи давлат буюртмачиларига юборилган оммавий офертадир.

Иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифда кўйидагилар кўрсатилади:

таклиф этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номи;
сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжат, техник паспорт);

товарнинг фотосурати;

товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) ҳудуд;

товарни ишлаб чиқарувчи ва у келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот;

кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;

товар ишлаб чиқарилган йил (озик-овқатлар ва тез бузиладиган товарларнинг ишлаб чиқарилган кун, ой, йили);

товарнинг яроқлилиқ муддати (кун, ой, йил);

ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати;

товарни (ишни, хизматни) мажбурий сертификатлаштириш талаб этиладиган ҳолларда мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборот, шунингдек санитария-эпидемиологик, ветеринария, ветеринария-санитария, фито-санитария хулосалари ёки экологик экспертиза ҳақидаги ахборот;

қонунчиликка биноан лицензиялашнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат олишнинг ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарномани юборишнинг мажбурий талаби мавжуд бўлган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

Иштирокчининг офертаси у электрон дўконда жойлаштирилган пайтдан эътиборан ўн беш иш кун мобайнида амал қилади. Ушбу муддат тугаганидан кейин иштирокчи уни яна ўн беш иш кунига активлаштиришга ҳақли.

Оферта давлат буюртмачиси томонидан акцептлангунга қадар иштирокчи офертани ҳар қандай муддатда чақириб олишга ёки унга ўзгартириш ва кўшимчалар киритишга ҳақли.

51-модда. Электрон дўконда харид қилиш тартиб-таомилини ўтказиш тартиби

Давлат буюртмачиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди.

Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичига олади.

Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи давлат буюртмачиси томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли.

Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди.

Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан давлат буюртмачиси ёки иштирокчилар якунлар сарҳисоб қилинадиган пайтга қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи голиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилади.

Давлат харидларининг электрон тизими шартномани давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

Харид қилиш тартиб-таомилларининг якунига кўра фақат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган ҳолларда давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачисига электрон шаклда савдолашиш имконини берувчи сўровни юборади. Бунда давлат буюртмачисида танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига у таклиф қилган нархдан пастроқ асосланган нарх сўровини юбориш имконияти пайдо бўлади. Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи бундай сўровни бир иш куни ичида қабул қилиши ёки рад этиши мумкин.

Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилганда давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни давлат буюртмачиси томонидан юборилган сўров нархи асосида рўйхатдан ўтказди.

Агар танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилмаса ёки рад этса, давлат буюртмачиси ўз хоҳишига кўра мазкур иштирокчи билан шартномани расмийлаштириши ёки ушбу Қонун талабларига мувофиқ бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали харидни амалга ошириши мумкин. Бунда жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасига юклатилади.

Агар харид қилиш тартиб-таомиллари тугаганидан кейин бир иш куни ичида давлат буюртмачиси томонидан нарх сўрови юборилмаса, давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказди.

Давлат буюртмачиси томонидан нархларни ўрганиш давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очиқ манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

6-боб. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион

52-модда. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционни ўтказиш мезонлари

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорини ташкил этиши керак.

Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион объекти бўла олмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади. Бунда мазкур норма белгиланган сифат стандартларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

53-модда. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади.

Аукционда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига эълон жойлаштирилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон у амалга оширилишидан камида беш иш куни аввал жойлаштирилиши керак.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

давлат буюртмачисининг номи ва манзили;

аукционнинг биринчи ва охири куни (аукцион ўтказиладиган давр);

аукцион предметининг бошланғич нархи;

аукцион предмети ва унинг хусусияти (аукцион предметининг таснифи);

товарнинг миқдори;

товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;

товарлар етказиб бериладиган жой (манзил);

товарнинг амалдаги стандарт талабига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги ҳақидаги талаб;

товар мажбурий сертификатлаштирилиши талаб этиладиган ҳолларда, мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиологик хулоса мавжудлиги тўғрисидаги талаб;

зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги талаб;

товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи шартлар.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг ва давлат буюртмачиси буюртманомасининг матнига аукцион предметига тааллуқли бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган талабларни киритиш тақиқланади.

Махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилган аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон автоматик равишда давлат буюртмачисининг буюртманомаси этиб ўзгартирилади.

54-модда. Аукционни ўтказиш тартиби

Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади.

Аукционни ўтказиш, киритилган таъминот суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича аукциондан фойдаланиш, аукцион ғолибларини аниқлаш, битимни рўйхатдан ўтказиш ва шартномани шакллантириш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғлианишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланадиган пайтга қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

Аукцион тугайдиган вақт келганда давлат харидларининг электрон тизими аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ғолиби сифатида давлат харидларининг электрон тизими томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва давлат буюртмачисининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

55-модда. Аукционни ўтказилмаган деб эълон қилишнинг умумий тартиби ва оқибатлари

Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди. Давлат буюртмачиси аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни ушбу Қонун талабларига мувофиқ электрон дўкон воситасида (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч иш кун ичида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

7-боб. Энг яхши таклифларни танлаш**56-модда. Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари**

Энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорни ташкил этади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) киритилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

57-модда. Танлашни ўтказишда харид комиссияси

Давлат харидини танлаш орқали амалга ошириш учун давлат буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Танлашни ўтказишда харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши лозим, ҳар бир мажлис ва қабул қилинган қарор баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

58-модда. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарор-

лари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи бериладиган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон фақат давлат харидига доир техник топшириқ бўйича Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хулосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — ўзининг расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узоқроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қўйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

59-модда. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;

танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

ушбу Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танлашнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

60-модда. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали ор-

қали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

61-модда. Танлашни ўтказиш

Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф такдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф такдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бунда давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилиши мумкин.

Суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан ошмайдиган (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган) танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин, бироқ бир молия йилида бир корпоратив буюртмачи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдоридаги суммадан кўп бўлмаслиги ва бир молия йилида бир бюджет буюртмачиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

62-модда. Танлаш ғолибини аниқлаш

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

63-модда. Танлаш натижаларини расмийлаштириш

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги голиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

8-боб. Тендер

64-модда. Тендер ўтказиш мезонлари

Тендер воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

голибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан ортик (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан ортик) миқдорни ташкил этади.

Тендер мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

65-модда. Тендер ўтказиш бўйича харид комиссияси

Давлат харидини тендер ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

Агар мажлисда харид комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси ваколатли ҳисобланади. Барча қабул қилинган қарорлар баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

66-модда. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Тендер воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра унинг веб-сайтига ёки унинг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хулосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўн икки иш куни

ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон қўйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

тендерни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

тендер ўтказиладиган жойнинг манзили;

тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифини расмийлаштиришга доир талаблар.

Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

67-модда. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

тендерда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби ҳақидаги ахборот;

тендер иштирокчиларига тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошлангандиган ва тугайдиган сана;

техник топширик;

ушбу Қонунга мувофиқ тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

тендер иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш

учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомили шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларига унинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тендер иштирокчиси давлат буюртмачисига тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Комплекс экспертиза қилиш марказига киритилади.

Давлат буюртмачиси тузилган шартномалар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувларнинг харид қилиш ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар бўлади.

68-модда. Тендер иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Тендер иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Электрон шаклда тендер ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Тендер иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Тендерда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда тендер иштирокчиларидан камида иккита таклиф олинган бўлса, тендер иштирокчиларининг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, тендер ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт. Товарга (ишга, хизматга) доир баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарур бўлганда, харид комиссияси асосларни кўрсатган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади. Тендер иштирокчиси бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

69-модда. Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Агар таклиф ушбу Қонуннинг ва тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган тендер иштирокчиси ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёки тендер иштирокчисининг таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Эълонда тендер ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси тендер иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Агар таклифлар солинган конвертлар белгиланган вақтда очилмаган бўлса, давлат буюртмачиси тендер иштирокчиларига ушбу ҳолат юзасидан асослантирилган тушунтириш берган ҳолда, таклифлар солинган конвертлар очиладиган вақт ҳақида хабарнома юборилишини ва давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилишини таъминлайди. Бунда таклифлар солинган конвертлар очиладиган дастлабки белгиланган вақт ва кейинги вақт оралиғидаги муддат беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Тендер таклифлари солинган конвертларни очиш жараёни вақтида давлат буюртмачиси томонидан видеоёзув амалга оширилади ҳамда конвертларни очиш жараёнида иштирокчиларнинг тақдим этган барча ҳужжатлари ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади, бундан тендер электрон шаклда ўтказиладиган ҳоллар мустасно.

Тендер иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида тендерда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида тендер ҳолибини аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Биринчи босқичда тендер иштирокчиси таклифининг техник қисмини баҳолаш амалга оширилади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг биринчи босқичини баҳолаш якунлари кўрсатилади.

Тендернинг иккинчи босқичи тендернинг биринчи босқичидан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлганда ўтказилади.

Тендернинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг иккинчи босқичи ҳолибини аниқланади. Тендерда иштирокчиларнинг нархи бошланғич нархдан юқори бўлган таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида иштирок этишга ҳақли.

Таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича:

биринчи босқичда — агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;

иккинчи босқичда — агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса, тендер ўтказилмаган деб топилади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) техник хусусиятларидан келиб чиқиб, тендер бир босқичда ўтказилиши мумкин. Бунда давлат буюртмачиси бу ҳақда тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатиши керак. Мазкур ҳолатда тендер таклифининг техник ва нархга оид қисмларини очиш ҳамда баҳолаш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Тендер бир босқичда ўтказилганда, агар харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса, тендер ўтказилмаган деб топилади.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси ҳолиб деб топилади.

Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган иштирокчи харид комиссиясининг қарори билан захирадаги ҳолиб деб белгиланиши мумкин.

Агар тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендернинг ҳар бир товари (иши, хизмати) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси ғолибни тендернинг ҳар бир предмети бўйича аниқлайди.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида қайд этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (почта манзили).

Тендер босқичларида таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма баённома имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида эълон қилинади.

Тендернинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин давлат буюртмачисига тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этади.

Давлат буюртмачиси ва харид комиссияси таклифларни қабул қилиш тугайдиган пайтга қадар уларни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

70-модда. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, давлат буюртмачиси янги тендер ўтказади.

Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

9-боб. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари

71-модда. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди;

фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди;

нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

Давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш кунини ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт.

Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Давлат буюртмачиси ушбу моддада назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-таомилларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам ушбу Қонун талабларига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марка-

зида комплекс экспертизадан ўтказилиши лозим, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

72-модда. Ягона етказиб берувчидан давлат хариди

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда ягона етказиб берувчи деб топилган ва Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиси ягона етказиб берувчидир.

Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамда давлат буюртмачиси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим.

Ягона етказиб берувчидан давлат хариди қўйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилади:

бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан олиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

маданий қимматликларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ягона етказиб берувчи сифатида белгиланган субъектлардан давлат харидлари;

табiiй монополия субъекти товарларининг (ишларининг, хизматларининг) давлат хариди;

ўз ваколатларига мувофиқ фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ишларга ёки кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларга эҳтиёж пайдо бўлиши.

73-модда. Ягона етказиб берувчилар реестри

Ягона етказиб берувчилар реестри ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган ахборот ресурсидир.

Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчидан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборатдир.

10-боб. Харид қилиш тартиб-таомилларини мониторинг ва назорат қилиш

74-модда. Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат

Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, давлат харидларининг ушбу Қонунда белгиланган мақсадлари, принциплари ва чекловлари амалга оширилишини давлат харидларининг ўтказилиши ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва баҳолаш орқали доимий асосда кузатиш тизимидир.

Давлат харидлари соҳасидаги назорат мазкур соҳадаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир.

Қонунчиликда белгиланган тартибда статистик ва бошқа ахборотни таққослаш ҳамда таҳлил қилиш орқали амалга ошириладиган текширишлар давлат органларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши устидан назорат қилишнинг асосий шаклидир.

Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат харидларини амалга оширувчи давлат органлари ўз тасарруфидаги давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари бўйича мониторинг ва назорат ўтказишга ҳақлидир.

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида қонунчиликда назарда тутилмаган текширишлар ўтказилишига ва ҳисобот бериш шаклларини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

75-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати

Ушбу Қонуннинг ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини қўйидагилар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидларини аудитдан ўтказиши ва аудит натижаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳар йилнинг якуни бўйича киритадиган ҳисоботида кўрсатади, шунингдек очиқ ахборот манбаларига жойлаштиради.

Ушбу Қонуннинг ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатли давлат органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

76-модда. Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати

Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати давлат харидларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишларининг олдини олиш ва уларни аниқлаш ҳамда давлат буюртмачиларини, ваколатли давлат органларини аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш мақсадида амалга оширилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати очиқ-

лик ва шаффофлик принципларини рўёбга чиқариш воситасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашга;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ва шартномаларни бажаришнинг бориши тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровларни давлат буюртмачиларига юборишга;

харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан мустақил мониторингни ва давлат харидлари самарадорлигини баҳолашни, шу жумладан уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини баҳолашни амалга оширишга;

текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилишга;

давлат буюртмачиси, давлат харидлари электрон тизими оператори, ваколатли орган, харид комиссиялари ва уларнинг аъзолари ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) қондабузарликлар аниқланган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга;

қонунчиликка мувофиқ судга мурожаат қилишга ҳақли.

77-модда. Лойиҳага доир фаолият бўйича давлат харидларининг самарадорлиги ва натижадорлиги таҳлили

Лойиҳага доир фаолият бўйича амалга оширилган давлат харидларининг самарадорлиги ва натижадорлиги таҳлили тегишли ваколатли орган томонидан ўтказилади.

Ўтказилган таҳлил натижалари билан давлат буюртмачисининг раҳбари ёки лойиҳани бошқариш бўйича давлат буюртмачиси томонидан тайинланган вакил имзо қўйган ҳолда танишиб чиқади.

Давлат харидларининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан лойиҳадан кейинги мониторинг лойиҳа бўйича давлат хариди тугалланганидан кейин уч йил ичида тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

11-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш

78-модда. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия

Ваколатли орган томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида доимий равишда фаолият кўрсатадиган Давлат

харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия тузилади, унинг таркиби тегишли давлат органлари, давлат харидлари электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ваколатли орган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг ишчи органи бўлиб, унинг фаолиятини ташкил этади.

Ҳар бир иштирокчи, шунингдек назоратни амалга ошираётган шахслар давлат буюртмачисининг, харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган бўлса, суд тартибида ёки ушбу бобда белгиланган тартибда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

79-модда. Шикоятларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоятни қабул қилиб олганда шикоят келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида шикоят ҳақида давлат буюртмачисини хабардор қилади ҳамда харид қилиш тартиб-таомилини ўн иш кунигача бўлган умумий муддатга тўхтатиб туради.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоятни давлат буюртмачиси ва иштирокчининг иштирокида кўриб чиқади, бундан иштирокчи шикоятни унинг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик билдирган ёки узрли сабабларсиз иштирок этмаган ҳоллар мустасно.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоят олинганидан кейин етти иш куни ичида у бўйича қарор чиқариши ва бу ҳақдаги ахборотни махсус ахборот порталида жойлаштириши керак.

Қабул қилинган қарорда ошкор этилиши иштирокчининг (ижрочининг) тижоратга оид манфаати бузилишига олиб келадиган ёки инсофли рақобатга хавф соладиган ахборот бўлмаслиги керак, бундан Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ушбу ахборотни эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган ҳоллар мустасно.

Иштирокчининг шикояти асосли деб топилган тақдирда, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қуйидаги чораларни кўриши мумкин:

давлат буюртмачисининг қонунга хилоф ҳаракатларига, қарорларига ёки у томонидан қонунга хилоф тартиб-таомиллар бажарилишига доир тақиқ белгилаш;

давлат буюртмачисининг қонунга хилоф қарорларини, шу жумладан

давлат харидлари соҳасидаги ҳужжатларнинг шартларини бузадиган қарорларини қисман ёки тўлиқ бекор қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларини тугатиш ҳақида қарор чиқариш; ижрочини Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари давлат харидларининг барча субъектлари томонидан ижро этилиши шарт.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ижрочи Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарори устидан суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

12-боб. Яқунловчи қоидалар

80-модда. Низоларни ҳал этиш

Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

81-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат харидлари субъектлари ва уларнинг мансабдор шахслари ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

82-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–472-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 220-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **53-моддаси**.

83-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

84-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

85-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талаб 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 апрель,
ЎРҚ-684-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

204 Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги bosқичга олиб чиқиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги тартиб жорий қилинсин, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 майдан бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролиларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара тўловларидан 1-иловага** мувофиқ имтиёзлар тақдим этилади;

б) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

«Ёшлар дафтари»га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади;

профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади.

2. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ҳафта муддатда ўзи, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандлари ёки эри (хотини) профессионал таълим муассасаларида таълим олиши учун йўналтириладиган солиқ тўловчининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммасини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш мақсадида:

а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

АТ «Халқ банки», АТ «Алоқа банк» ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратилади. Бунда, истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловлари Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган миқдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатлари Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

«Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдоригача ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар

ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

б) 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда:

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваридан ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкин.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норкулов) билан биргаликда:

тиббиёт муассасаларидаги самарасиз ҳамда қўп йиллардан буён фойдаланилмаётган лавозимлар ўрнига ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган «тиббиёт бригадалари»ни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ходимлар фаолиятини кенгайтириш учун 20 мингта қўшимча штат бирликларини ажратсин;

бир ой муддатда тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. АТ «Халқ банки»нинг ҳудудларда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бизнесга тайёрлаш, маслаҳат бериш ва бандлигини таъминлаш мақсадида «Юз минг тадбиркор хотин-қизлар» лойиҳасини амалга ошириш ҳамда лойиҳа доирасида қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ихтисослашуви ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб, қиймати 33 миллион сўмгача бўлган тайёр бизнес-режалар банкни яратиш;

ўттиз ёшгача бўлган хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, мос йўналишлар бўйича (ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик ва бошқалар) малакали мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва ўқув тренингларни ташкил этиш.

6. Ёшлар ишлари агентлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2021 йилда:

мазкур Фармонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан қўшимча равишда 100 млрд сўм;

олий таълим муассасалари талабалари турар жой ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ Давлат бюджетидан қўшимча равишда маблағлар ажратсин ҳамда келгуси йил бюджет параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин.

8. Белгилансинки, 2021 йил 1 майдан бошлаб:

деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан патронажга олиш тизими жорий қилинади. Бунда, сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан «устоз-шогирд» тамойили асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилади;

«Ёшлар дафтари»га киритилган деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоригача субсидия ажратилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Фаниев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хаитов) бир ҳафта муддатда уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун субсидия олишга эҳтиёжи бор ёшларнинг рўйхатини шакллантирсин ва уларга субсидия ажратиш чораларини кўрсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) билан биргаликда икки ой муддатда Давлат бюджетидан тўланадиган субсидиялар, компенсациялар ва бошқа имтиёзларни ажратишнинг ошкоралигини таъминлаш, мазкур жараёнда бюрократ

тия ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларга юзага келган муаммолар тўғрисида бевосита масъул мансабдор шахсларга хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида махсус электрон платформани ишлаб чиқсин ҳамда унинг лозим даражада ва узлуксиз ишлаши учун зарур чораларни кўрсин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) 2021 йил 1 июндан бошлаб ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқиши ва билимларини оширишга оид сифатли кўрсатув ва китоблар яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан рейтинг юқори деб баҳоланган республика миқёсидаги 3 та телеканалдан томошабинлар учун қулай бўлган пайтни инобатга олиб, эфир вақтини сотиб олиш;

бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари бўйича сифатли видеомаҳсулотларнинг шартнома асосида тайёрланишини таъминлаш ҳамда уларни сотиб олинган эфир вақтида намойиш этиш;

ёшларга амалий қўлланма сифатида фойдаланиш учун бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари, тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш йўлидаги ютуқ ва хавф-хатарлар ҳақида оммабоп китобларни нашр этишни ташкил қилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) «Ўзбекистон учун 100 та воя» лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда лойиҳа доирасида Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта ташаббус лойиҳа офиси» нодавлат нотижорат ташкилотига — биринчи босқичда 1 млрд сўм маблағларни икки ҳафта муддатда, кейинги босқичларда лойиҳанинг смета ҳужжатларига кўра, бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштириш чораларини кўрсин.

12. 2021 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат олий таълим муассасаларига 10 тагача маҳалла фуқаролар йиғинлари бириктирилади;

б) давлат олий таълим муассасалари ректорлари томонидан:

бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшайдиган уюлмаган ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, шу жумладан уларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўғрисида жалб қилиш чоралари кўрилади;

талабалар ётоқхоналарида, маданият марказларида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиш, очик давра суҳбатлари ва маданий тадбирлар ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

13. Қуйидагилар:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) билан

биргаликда бир ҳафта муддатда республиканинг барча туман (шаҳар)ларида Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, 2021 йилда Давлат бюджетининг қўшимча харажатларини ҳамда даромад йўқотишларини қоплаш мақсадида мос миқдорда Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ва қўшимча даромадлар манбалари бўйича аниқ таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тармоқ филиалларини ташкил этиш, марказларда замонавий тўғарақларни очиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт заллари ва майдонларида тўғарақлар очиш;

ёзги таътил даврида ёшлар ўртасида маҳаллалар, секторлар ва туманлар миқёсида спорт ҳамда ҳарбий ватанпарварлик мусобақаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

15. 2021 йилнинг якунига қадар Қашқадарё вилоятида эксперимент тариқасида маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳамда мусиқа фани ўқитувчиларига қуйидагиларни назарда тутган ҳолда уй шароитида ёшлар учун мусиқа тўғарақларини ташкил этишга рухсат берилсин:

ушбу тўғарақларни ташкил этган шахслар маданият марказлари томонидан нота, мусиқага оид адабиётлар билан таъминланади ҳамда уларга ташкилий ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатилади;

тўғарақларда таълим олганлик учун тўлов маҳаллий бюджет маблағлари ва ўқувчилар томонидан тўланади.

Бунда, тўғарақлар ташкил этган шахсларнинг иш ҳақи тўловлари маданият марказлари учун белгиланган миқдорлардаги бадал тўловлари ва етмаган қисмида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тўлаб берилади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Т. Мирзаев) билан биргаликда ушбу тажрибанинг Қашқадарё вилоятида амалга оширилишини ташкил этсин ҳамда унинг самарадорлигидан келиб чиқиб республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш бўйича 2021 йил 31 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳрининг жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган туман ва маҳаллаларида

ёшлар билан ишлашнинг «намунали тажриба»сини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин. Бунда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарбияси оғир ёшларни аниқлаш, улар билан яқиндан ишлаш, ижтимоий мослашувига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш;

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оила фарзандлари, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга мойиллиги бўлган ва профилактик ҳисобда турган ёшлар билан яқка тартибда ишлаш;

ёшлар билан индивидуал ишлаш, ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ёш кадрлар захирасини шакллантириш.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) «намунали тажриба» натижаларидан келиб чиқиб унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг қолган барча туманларида татбиқ этилишини ташкил этсин.

17. Ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

18. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йилнинг 1 сентябрь ва 31 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 апрель,
ПФ-6208-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**205 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Диний-маърифий ва миллатлараро муносабатлар соҳалари ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш ва ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 апрель,
ПФ-6212-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги
ПФ-6212-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармонида:

а) 4-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигидаги Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва б.) ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 апрелда эълон қилинган.

тайёрлашга, ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш босқичларида узлуксиз таълимнинг яхлит тизimini ташкил этишга ва илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлашга ихтисослашган етакчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;»;

б) 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг раҳбарияти, ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 барабар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисига, Марказ раҳбарияти ва ходимларига — 4 барабар) миқдорда қўлланилади.»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2993-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Белгилаб қўйилсинки:

Қўмита бошқарув ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 2 барабар миқдорда қўлланилади;

Қўмита ходимлари ойлик маошининг 50 фоизи миқдорда Қўмита ходимларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси шакллантирилади;

Қўмита бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади;

Қўмитада ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Қўмита бошқарув ходимларининг лавозим маошига рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда, давлат органларидаги кўп йиллик меҳнати учун 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан ортиқ — 0,5 коэффициентларда ҳар ойлик устамалар тўланади;

Қўмита бошқарув ходимларининг лавозим маошига фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга шахслар учун — лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга шахслар учун — лавозим маошининг 60 фоизигача ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади.»

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3668-сон қарори 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4436-сон қарорининг 4-банди ва унга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4802-сон қарори 12-банди «Марказ» сўзидан кейин «рахбарияти,» сўзи билан тўлдирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 693-сон қарори 8-банди «Марказ» сўзидан кейин «рахбарияти ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

206 Наманган вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Наманган вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун молиявий ресурслар ажратиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан Наманган вилояти ҳокимлигига 10 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, фоиз ставкаси йилига 2,5 фоизни ташкил қиладиган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағларни қўйидаги мақсадларга йўналтирсин:

Наманган шаҳрининг марказлашган иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилишга — 15 миллион АҚШ доллари эквиваленти;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 апрелда эълон қилинган.

Наманган шаҳрининг эски шаҳар худуди инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳардаги Янгиариқ, Шимолий Фарғона каналлари ва Намангансой қирғоқларини ободонлаштириш ишларига — 10 миллион АҚШ доллари эквиваленти;

кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ривожлантиришга — 5 миллион АҚШ доллари эквиваленти.

Бунда, мазкур бандда назарда тутилган маблағлар тақсимотиغا, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисиди кўрсатилган тадбирлар бўйича 2021 йилнинг 20 ноябрига қадар объектни қуриш ва реконструкция қилишда зарур бўладиган, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С. Ҳидоятлов) томонидан шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган қозонхоналар, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлари, металл конструкциялар, сувни тайёрлаш учун кимёвий моддалар божхона божидан озод этилсин.

4. Белгилансинки:

мазкур қарор билан ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун Наманган вилояти ҳокимлиги масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Наманган шаҳрининг марказлашган иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган кредитни қоплаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети, Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш ДУК маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

Наманган шаҳрининг эски шаҳар худуди инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳардаги Янгиариқ, Шимолий Фарғона каналлари ва Намангансой қирғоқларини ободонлаштириш, кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ривожлантириш учун ажратилган кредитларни қоплаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси 5 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни Наманган вилоятида амалга ошириладиган лойиҳаларга ажратилаётган кредитлар фоиз тўловларининг бир қисмини белгиланган тартибда қоплаш учун йўналтирсин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5041-сон қарорига асосан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан Наманган вилояти учун ажратилган маблағлардан:

100 миллиард сўм миқдоридидаги маблағ «маҳаллабай» ишлаш тизими орқали аниқланган драйвер лойиҳаларни кредитлаш учун;

100 миллиард сўм миқдоридаги маблағ «Турон банк» АТБнинг устав капиталидаги Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улушини оширишга йўналтириш йўли билан лимончиликни ривожлантириш лойиҳаларини кредитлаш учун ажратилади.

7. Наманган вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон Фармони 9-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан тенг улушларда 1 триллион сўм миқдорида ажратилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5048-сон қарори билан тасдиқланган Туризм инфратузилмасини ривожлантириш йиғма параметрларига асосан ажратилган 1 триллион сўмдан Наманган вилояти учун 37,5 млрд сўм ажратилганлиги, шунингдек, мазкур параметрларга, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Наманган вилояти ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган тадбирлар бўйича манзилли дастурларни шакллантирсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5041-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Наманган вилояти ҳокимлиги:

икки ой муддатда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини;

хар чоракда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кучкаров ҳамда Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 апрель,
ПҚ-5084-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги
ПҚ-5084-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш
дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5041-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги ва 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «1,6» рақами «1,5» рақами билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) «Жами» позициясида:

«2021 йилда йўналтириладиган маблағлар» устунидаги «9 140» рақами «9 040» рақами билан алмаштирилсин;

«Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан» устунидаги «2 540» рақами «2 440» рақами билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

«2021 йилда йўналтириладиган маблағлар» устунидаги «5 638» рақами «5 538» рақами билан алмаштирилсин;

«Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан» устунидаги «1 600» рақами «1 500» рақами билан алмаштирилсин;

3. 2-иловада:

а) «Жами» позициясида:

«Жами» устунидаги «9 140» рақами «9 040» рақами билан алмаштирилсин;

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури» устунидаги «5 638» рақами «5 538» рақами билан алмаштирилсин;

б) 6-бандда:

«Жами» устунидаги «885» рақами «785» рақами билан;

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури» устунидаги «602» рақами «502» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**207 Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги қўшимча чоралари жорий этилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилади;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилади;

тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилади. Бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 млрд сўмдан, кафилликларнинг умумий суммаси эса 8 млрд сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

б) Экспортни рағбатлантириш агентлиги экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этади. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдоридан, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилади.

2. Якка тартибдаги тадбиркорлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 апрелда эълон қилинган.

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга (томоркадан унумли фойдаланиш, уй шароитида хунармандчиликни ва касаначиликни ривожлантириш) йўналтирилсин. Бунда, ажратиладиган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилади.

4. Қуйидагиларга:

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошланғич нарҳини 50 фоизгача камайитириш ваколати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нарҳга чегирма белгиланадиган олис ва чекка ҳудудлар чегараларини белгилаш ваколати берилсин.

5. 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратишга рухсат берилсин.

6. Бош вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров ва Ш. Фаниев Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 15 майга қадар қишлоқ хўжалиги ерларини хатловдан ўтказган ҳолда саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратиладиган унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерлари рўйхатини шакллантирсин ҳамда уларнинг аниқ чегараси ва майдонини кўрсатган ҳолда ҳар бир туман кесимида тасдиқланишини таъминласин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд шаҳарлари, Ургут ва Гиждувон туманларида замонавий савдо ва саноат ҳудудларини ташкил этиш, уларда савдо-ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва сотиш учун инфратузилма мавжуд бўлган камида 20 гектар майдондан ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига аукцион орқали (шу жумладан, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳамда аукционни ягона иштирокчи билан ўтказишга рухсат берган ҳолда) ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда, савдо ва саноат ҳудудларини ташкил этишнинг асосий шарти биноларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, юқори қаватларида ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021-2022 йиллар давомида камида 500 та маҳалла фуқаро йиғинларининг эски биноларини давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан келишувга эришилишини таъминласин.

Бунда, 1 қаватли бино ўрнига 2-3 қаватли бино қурилиши, унинг 2 ва 3-қаватларида кичик ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил қилиш учун текин фойдаланиш асосида 30 йилга тадбиркорлик субъектининг ихтиёрида қолдирилишини назарда тутсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш;

уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади.

Бунда, ушбу тартиб бўйича гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охириги уч йил давомида тўланган солиқ ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банддан келиб чиққан ҳолда солиқлар ҳамда божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин.

10. 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилсин.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилсин ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблансин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ижро ишини юртиш доирасида қарздордан ундирилган пул суммалари ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, бюджетга тўловлар бўйича талаблар, кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган талаблари, шу жумладан қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли

қаноатлантирилмаган талаблари бир навбатда (тўртинчи навбатда) қаноатлантирилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Вазирлар Маҳкамаси ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартиришларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Инвесторга ер участкасини дастлабки захиралаш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинмаган инвестиция лойиҳалари бўйича Ишчи гуруҳ қарорлари бекор қилинсин.

13. Қурилиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари қўмитаси уч ой муддатда транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув объектлари, гидротехника иншоотлари, магистрал қувурлар, электр тармоқлари объектларининг муҳофаза зонаси чегараларини белгилаш параметрларини уларнинг мақбуллаштирилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Кадастр агентлиги 2021 йил 1 сентябрга қадар жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича таклифларни киритиш, шунингдек, ер участкасини танлаш материалларини келишиш жараёнини кузатиш имконини берувчи мобил илова ишга туширилишини таъминласин.

15. Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда енгил конструкцияли хизмат кўрсатиш шохобчаларини аукцион савдолари орқали жойлаштириш тартибини жорий этиш;

бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, С.Ў. Умурзаков ва Ш.М. Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 апрель,
ПҚ-5087-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**208 Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти-
ни ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка
оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғри-
сида***

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг 1-иловага** мувофиқ рўйхатда кўрсатилган ҳудудларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини (кейинги ўринларда — Ёшлар саноат зоналари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ташкил этилаётган Ёшлар саноат зоналарининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва ғоялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

«стартлаплар» ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

банд бўлмаган, шу жумладан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда:

2-иловада* келтирилган рўйхатдаги 77 та Ёшлар саноат зоналари — 2021 йил 1 сентябргача;

қолган барча Ёшлар саноат зоналари — 2022 йил 1 январгача тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

4. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашнинг манзилли дастури (кейинги ўринларда — Манзилли дастур) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шarti билан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва хусусий молия компанияларининг қарзлари;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта иш-

* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, ҳунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

махаллий хом ашё ва материаллар негизда мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш.

7. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғармага 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағнинг 50 фоизи икки ой муддатда бошланғич капитални шакллантириш учун, қолган 50 фоизи олти ой муддатда ажратилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсин.

9. Белгилансинки:

а) Манзилли дастурда назарда тутилган ишлар 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар, шунингдек, маҳаллий бюджет ва таъминотчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Ёшлар саноат зоналари муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган, фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларида ташкил этилади;

в) Ёшлар саноат зоналарига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан танлаб олинади;

г) Ёшлар саноат зоналари ҳудудида майдони 1000 м² гача бўлган ер участкалари, истисно тариқасида, электрон аукцион савдоси ўтказмасдан, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори билан ажратилади. Бунда, бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади;

д) патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап-инвестиция лойиҳалари, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда яратиладиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган, шу жумладан бандлиги таъминлан-

маган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш назарда тутилган инвестиция лойиҳалари Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилишида устуворликка эга бўлади;

е) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;

қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 10 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 2 фоиз ставкалари билан тақдим этилади;

тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини 4 фоиздан оширмасдан йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитларни — ўз маржаси миқдорини 1 фоиздан оширмасдан йиллик фоиз ставкасини 3 фоиз миқдорида белгилаган ҳолда ажратади;

тижорат банклари ажратилган молиявий ресурсларнинг мақсадли фойдаланилиши ва тўлиқ қайтарилишини доимий мониторинг қилиб боради;

ж) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилади, шу жумладан:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкаси миқдорида белгиланган ҳолда тақдим қилинади;

тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг 10 фоизини ташкил қилувчи қисмини тўлайди.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 31 декабрга қадар Ёшлар саноат зоналари ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг таъминоти билан боғлиқ қўйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизгача миқдорида, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда кафиликлар беради;

б) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган

суғурта ташкилотлари тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг 50 фоизигача миқдориди, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда, йиллик 2 фоиз ставкасида суғурта полисини тақдим этади.

Ушбу бандда назарда тутилган тартиб солиқлар ҳамда олдинги тузилган кредит шартномалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлган ёш тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, амалга оширишни молиялаштиришни ташкиллаштириш ва ер майдонларини ажратиш жараёнларининг автоматлаштирилишини таъминлаш мақсадида тегишли веб-сайт ишлаб чиқиши ва жорий этилишини таъминласин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш, ривожлантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин, унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига жойларда Ёшлар саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

14. Қуйидагилар:

Бош вазирнинг ўринбосари С.У. Умурзаковга — вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ёшлар саноат зоналари ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларига — ишчи гуруҳлари томонидан Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестиция буюртманомаларининг ўз вақтида кўриб чиқиши, ёш тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ва бўш бинолар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;

энергетика вазири А.С. Султановга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятловга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқовга, транспорт вазири И.Р. Маҳкамовга — Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари А.М. Бобоевга — Манзилли дастурда белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши устидан назорат қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар чорақда Ёшлар сааноат зоналарини ташкил қилиш ҳамда Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорақда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга оширилган ишларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 апрель,
ПҚ-5088-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**209 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6200-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6200-сон Фармонида:

а) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги:

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларига замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) Инспекция Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар иш-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 апрелда эълон қилинган.

лашини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқарув ходимларининг чекланган сони 33 нафардан иборат тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Инспекция бошлиғига:

Инспекцияга юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, лойиҳа ташкилотлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида Инспекция тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

Инспекция бошлиғи ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

Инспекция бошлиғи меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирга, Инспекция бошлиғи ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Инспекция бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

Инспекция Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

5. Инспекция Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров), Фавкуллда вазиятлар вазирлиги (А.Х. Қўлдошев), Энергетика вазирлиги (Ш.Х. Ходжаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ж.С. Казбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Энергетика вазирлиги (Ш.Х. Ходжаев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (А.А. Сангинов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда тасарруфида хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари бўлган ташкилотлар раҳбарлари доимий равишда:

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларида фавкуллда вазиятларга йўл қўймаслик борасида профилактик тадбирларнинг ўтказилишини, таҳдидлар ва уларнинг келиб чиқиши омилларининг олдиндан аниқ-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланиши ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилишини, таҳдидлар ва хавфдан аҳолини огоҳлантириш, хабар бериш тизимлари яратилишини ва узлуксиз ишлашини таъминлаб борсин;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш, консервациялаш, фойдаланишдан чиқариш ва тугатиш даврида уларнинг хавфсизлик меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаб борсин;

хар бир хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳа-смета ҳужжатлари, фойдаланиш қоидалари ва йўриқномалар, хавфсизлик декларацияси, паспорти ва кадастр ҳужжати билан таъминлаш, шунингдек, ҳар йили 1 февралга қадар хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ижросини назоратга олиб борсин;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларида зарур бўлган авария моддий-техника захираларининг етарли ҳажмларда сақланишини таъминлаб борсин;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда уларга табиий ва техноген омиллар таъсири устидан назорат (мониторинг)ни кучайтириш чораларини кўриб борсин.

7. Белгилансинки, Инспекция хузурида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа ваколатли идораларнинг раҳбариятидан иборат Сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги бўйича экспертлар кенгаши (кейинги ўринларда — Экспертлар кенгаши) фаолият кўрсатади.

Қуйидагилар Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари хавфсизлиги бўйича идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги ва уларнинг ишончли ишлаши бўйича устувор масалаларни кўриб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ва ишончли ишлаши учун уларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияси экспертизаси натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш.

Экспертлар кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қабул қилган қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилсин.

8. Инспекция ходимларига ўз вазифаларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Инспекция назоратидаги сув хўжалиги объектларида инспекторлик текширувларини ўтказиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларига монеликсиз кириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан техник назоратни ташкил этиш масалаларига, уларнинг қўриқланиши ҳамда муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақалари ўрнатилганлигига доир материаллар билан танишиш;

Инспекция назоратидаги сув хўжалиги объектларини техник соз ҳолатда сақлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда аниқланган камчиликларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга бажарилиши шарт бўлган тақдимнома ҳамда кўрсатмалар киритиш;

Инспекция назоратидаги сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва хавфсизлик талаблари учун масъул бўлган раҳбар-мутахассисларнинг малакаси назоратини олиб бориш, уларни яхшилаш бўйича тегишли равишда юқори турувчи идораларга таклифлар киритиш.

9. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Туркқўрғон кўчаси, 26-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

10. Инспекция ходимларининг иш ҳақи фонди Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган қўйидаги маблағлар ҳисобидан шакллантирилади:

Ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши;

40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти;

узок муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига устама;

йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот;

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан моддий ёрдам.

Инспекция ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидаги миқдорларда узок муддат узлуксиз хизмати учун ҳар ойлик лавозим маошига устама тўланади (рағбатлантириш коэффициенти инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан 25 йилгача — 0,5; 25 йилдан ортиқ — 0,6.

Бунда, узок муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озик-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида ҳисобланади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий инс-

пекторларини Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари хавза бошқармалари биноларида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

12. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

Инспекция марказий аппарати учун 3 та хизмат автотранспорт воситасини, шу жумладан 2 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаси, 1 та навбатчи автотранспорт воситаси ҳамда ҳудудий инспекторлар учун 13 та енгил хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин;

Инспекциянинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқласин.

14. Инспекция манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Инспекция бошлиғи белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 апрель,
ПҚ-5090-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ****210 Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида-
ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-6*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 529-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 29 март,
18-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги
18-сон буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги
низоомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Агентлик — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги;».
2. 25-банднинг ўн саккизинчи хатбошисидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.
3. 26-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 42-банддаги «Давсуғуртаназоратга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.
4. 37-банднинг бешинчи хатбошисидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.
5. 38-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Давсуғуртаназорат» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.
6. 43-бандда:
биринчи хатбошидаги «Давсуғуртаназорат» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;
иккинчи хатбошидаги «Давсуғуртаназоратга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.
7. 44-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«44. Агентлик суғурталовчи томонидан қабул қилинган техник захираларнинг таркибини ва ҳисоблаш усулларини ўзгартириш борасида кўрсатма бериш, шунингдек Агентликка суғурта захиралари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишнинг бошқа тартибини ўрнатиш ҳуқуқига эга. Зарур ҳолда, Агентлик юзага келган ҳолат сабабларини аниқлаш мақсадида суғурталовчига ўзининг вакилини йўллайди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда суғурталовчи операцияларининг ёппасига ёки танлов асосида текширувини амалга оширади.».
8. 45-банддаги «Давсуғуртаназорат» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.
9. 1 — 4-иловалардан «Мухр ўрни (мухр мавжуд бўлган тақдирда).» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

211 Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-4

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/8-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг
2021 йил 31 мартдаги 295/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD) ва фан доктори (Doctor of Sciences, DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш (бундан буён матнда Илмий кенгаш деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Илмий кенгаш** — муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) қарори билан етакчи илмий ташкилот ёки таълим муассасаси ҳузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма;»; саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**диссертация бажарилган муассаса** — илмий ташкилот ёки таълим муассасаси кенгаши қарори билан диссертация мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш учун масъул муассаса сифатида тасдиқланган муассаса;»; ўн тўртинчи хатбошидаги «илмий маслахатчи» деган сўзлар «илмий консультант» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси» деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «олий ўқув юртидан кейинги таълим» деган сўзлар «олий таълимдан кейинги таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Илмий кенгаш етакчи илмий ташкилот ва таълим муассасалари ҳузурида мазкур ташкилотлар ёки муассасалар бўйсунувчи вазирлик ва идораларнинг мурожаатига асосан ОАК томонидан тузилади.»;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкилот ёки муассаса Илмий кенгаш тузиш учун мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган талабларнинг барчасига жавоб бермаган тақдирда, тегишли вазирлик ва идораларнинг мурожаатларига асосан, ОАК томонидан илмий ташкилот ва таълим муассасалари ҳузурида, истисно тариқасида, муассасалараро Илмий кенгаш тузилиши мумкин.»;

тўртинчи хатбошидаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида» деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 11-банддаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси» деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 35-банднинг биринчи хатбошидаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси» деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 46-бандда:

олтинчи хатбошидаги «(маслаҳатчиси)» деган сўз «(консультанти)» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг» деган сўзлар «илмий ташкилотлар ҳамда таълим муассасаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 49-банднинг олтинчи хатбошидаги «(маслаҳатчининг)» деган сўз «(консультантининг)» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 52-банддаги «олий таълим муассасалари» деган сўзлар «таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 57-банднинг учинчи хатбошидаги «(маслаҳатчи)» деган сўз «(консультант)» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 62-банднинг биринчи хатбошидаги «(маслаҳатчи)» деган сўз «(консультант)» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 66-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «(маслаҳатчи)» деган сўз «(консультант)» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. Низомнинг 2-иловасида:

3-банддаги «олий таълим муассасасини» деган сўзлар «таълим муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-банддаги «(маслаҳатчи)нинг» деган сўз «(консультант)нинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. Низомнинг 9-иловаси 7-банди «паспорти нусхаси» деган сўзлардан кейин «ёки идентификация ID-картаси маълумотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

212 Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-3

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 569-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раиси

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/9-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг
2021 йил 31 мартдаги 295/9-сон қарорига
ИЛОВА

Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD) ва фан доктори (Doctor of Sciences, DSc) илмий даражаларини бериш тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш** (бундан буён матнда Илмий кенгаш деб юритилади) — муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) қарори билан етакчи илмий ташкилот ёки таълим муассасаси хузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма;»;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**диссертация бажарилган муассаса** — илмий ташкилот ёки таълим муассасаси кенгаши қарори билан диссертация мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш учун масъул муассаса сифатида тасдиқланган муассаса;»;
ўн биринчи хатбошидаги «маслаҳатчи» деган сўз «консультант» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг учинчи хатбошидаги «маслаҳатчи» деган сўз «консультант» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 5-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидан «рўйхат бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 13-бандда:

иккинчи хатбошидаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси»

деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 14-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «(маслаҳатчи)» деган сўз «консультант» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «маслаҳатчи» деган сўз «консультант» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 18-банднинг биринчи хатбошисидаги «ОАКнинг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) киритилган» деган сўзлар «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 19-банднинг биринчи хатбошисидан «Рўйхатга киритилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 21-бандда:

иккинчи хатбошидан «Рўйхатга киритилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илмий ташкилот ёки таълим муассасаси кенгаши қарори билан чоп этилган ва камида 6 босма табоқ ҳажмдан иборат бўлган яқка муаллифликдаги монография миллий илмий нашрларда эълон қилинган 3 та (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) мақолага тенглаштирилади, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан талаб бўйича эълон қилинган монография бундан мустасно.»

10. 22-банднинг учинчи хатбошисидан «Рўйхатга киритилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 33-банднинг биринчи хатбошисидаги «Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг» деган сўзлар «Илмий ташкилот ва таълим муассасаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 48-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспорт нусхаси ёки идентификация ID-картаси маълумотлари;».

13. 54-банднинг иккинчи хатбошисидаги «олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари» деган сўзлар «илмий ташкилот ва таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги 18-сон «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-6.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/8-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/9-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-3.

